Ушбу сонда:

2 *Меҳнат ва рағбат* ҲАҚ ТЎЛАНАДИГАН қўшимча таътил

3 ДЕМОКРАТИК ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ САРИ

8 БАРКАМОЛ АВЛОД Ватанимизнинг порлоқ эртаси

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ - ОЛИЙ БАХТ

ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2004 йил 21 декабр, сешанба № 201-202 (1835)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

26 декабр: Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашларга сайловлар куни



СИЗ КИМГА ОВОЗ БЕРАСИЗ?

Репортаж

Буралаб қор ёғмоқда. Борлиқ оқ парқуга бурканган. Қишнинг ўзига хос манзараси қалбларга сурур бағишлайди. Шу файзли кунларда Охунбобоев шаҳар Ўзбекистон кўчасидаги қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими биноси одамлар билан гавжум. Боиси, бу ерда 19-Жалақудуқ сайлов округи комиссияси фаолият юритмоқда. Дид билан жиҳозланган, яхши иситилган хоналар талаб даражасида. Зиёлилар, чорвадорлар, тадбиркорлар, қурувчилар, боринки, турли касб эгаларининг севимли масканига айланган гўшада телефонлар, компьютер, факс, нусха кўчириш машиналари тинимсиз ишлаб турибди. Улуғбек Убайдуллаев бошлиқ комиссия аъзолари сайловчилар хизматига ҳозиру нозир.

Ёрқишлоқ қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Абдумуталлиб Маҳмудов ва Ойим қишлоғилик маориф ходими Комилжон Мамадғаниев, нефтчилар шаҳарчасидан Хожи Камолов ва бошқалар сайловга оид адабиётлар, республика матбуотида эълон қилинган мақолалар, мустақиллик йилларида эришилган муваффақиятлардан ҳикоя қилувчи стендлар билан танишишмоқда. Айниқса, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар ҳақидаги маълумотлар барчанинг эътиборини тортади.

Гап айланиб сўнгги йиллардаги қувончли ўзгаришларга келиб тақалди. Чинданам бунёдкорлик ишларининг авж олдирилиши қишлоқлар қиёфасини тубдан ўзгартирмоқда. Жумладан, Ойим ва Ёрқишлоқ қишлоқлар ҳудудида 60 ўринли замонавий врачлик пункти қурилиб, фойдаланишга топширилди. Марказий шифохона 5,4 миллион сўмлик энг зарур жиҳозлар билан таъминланди. Туғруқ бўлимида эмизикли болалар бўлими очилганлиги оналарга катта қулайликлар яратди. Аҳоли талаб ва таклифлари асосида 4 та кўп қаватли турар-жой биноси яхшилаб таъмирланди. Буларнинг ҳаммаси одамлар кайфиятига кайфият қўшди. Эндиликда бутун диққат-эътибор 26 декабр куни бўлиб ўтадиган сайловни зўр уюшқоқлик, сайловчиларнинг фаол иштирокида ўтказишга қаратилган.

Округ ҳудудида истиқомат қилаётган 118,5 минг аҳолининг овоз бериши учун барча имконият яратилди. Мавжуд 27 та сайлов участкасидаги овоз бериш хоналари талаб даражасида шай қилинган. Сайловчилар рўйхати, сайлов бюллетенларининг намуналари кўринарли жойларга қўйилган. Ташвиқот гуруҳи маҳаллаларда қизғин иш олиб бормоқда. 19-Жалақудуқ сайлов округи Пахтаобод тумани билан чегарадош. Сайлов шарофати билан икки туман ҳамкорлиги янада мустаҳкамланди. Округ сайлов комиссияси раисининг ўринбосари Иброҳимжон Зулуновнинг таъкидлашича, сайловчиларнинг номзодлар билан ўтказилаётган учрашувлари жонли, қизиқарли тус олмоқда. Мулоқотлар қишлоқ кишилари онги-шуурида катта ўзгаришлар юз берганлигини яққол кўрсатмоқда.

С.РЎЗИМАТОВ,
«Ишонч» мухбири

ТАШВИҚОТ ИШЛАРИ АВЖИДА

Ангрен шаҳридаги 13-мактабда Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ҳамда маҳаллий Кенгашларга депутатликка номзодлар билан учрашув бўлиб ўтди. Сайловчилар - ота-оналар, маҳалла вакиллари, ёшлар турли партиялардан ва ташаббускор гуруҳлар томонидан кўрсатилган номзодларнинг сайловолди дастурлари билан яқиндан танишдилар. Ўз фикр-мулоҳазалари, таклифларини айтдилар.

71-Ангрен сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига беш нафар номзод кўрсатилган. Уларнинг қайси бири сайловда муваффақият қозониши кўп жиҳатдан сайловолди ташвиқоти самарадорлигига боғлиқ.

- Шу кунгача округимиз ҳудудида номзодлар билан саккиз марта учрашув ташкил этдик,- дейди сайлов комиссияси раиси Қурбонбой Юсупов. - Сайловчилар билан мулоқотда уларнинг ҳар бирига тенг шароит яратиб беряпмиз.

Мазкур сайлов округида 84 та участка сайлов комиссияси фаолият олиб боряпти. Сайловчиларни рўйхатга олиш тўлиқ якунланди. Айни пайтда уларга сайловда қатнашиш учун таклифномалар тарқатилмоқда. Сайлов бюллетенлари, овоз бериш кабиналари сайлов кунига тахт.

Кузатувчи нигоҳи

Ҳозирги кунгача халқаро ташкилотлар ва хорижий мамлакатлардан келган 170 нафар вакил Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасига сайловларда кузатувчи сифатида аккредитациядан ўтди. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясида навбатдаги кузатувчи мандати Марказий Осиё бўйича британиялик нуфузли мутахассислардан бири, Лондон университетининг Шарқ ва Африка тадқиқотлари мактаби лектори Ширин Акинерга топширилди.

Ширин Акинер Марказий сайлов комиссияси раиси Бўритош Мустафоев билан учрашди.

Ширин АКИНЕР:

ЎЗБЕКИСТОН ФУҚАРОЛАРИ САЙЛОВГА КАТТА ИШОНЧ БИЛАН ҚАРАМОҚДА

- Ўзбекистонга иккинчи бор келишим, 2002 йили юртингизда ўтказилган умумхалқ референдумида кузатувчи сифатида иштирок этган эдим,- деди Ширин Акинер хоним. - Референдум натижаларига биноан мамлакатингизда икки палатали парламентни шакллантириш тўғрисида қарор қабул қилинган эди. Янги парламент тизимига ўтиш қонунчилик жараёнини такомиллаштиришга ёрдам беради. Халқ вакиллари олий қонунчилик органида ўз сайловчиларининг манфаатларини ҳимоя қилиш учун кўпроқ имкониятларга эга бўлади. Бу мамлакатингиз тараққиётида ижобий омил бўлишига аминман.

Ўзбекистоннинг сайлов қонунчилиги билан танишиб чиқиб шуни айтмоқчиманки, у илғор ва ҳуқуқий жиҳатдан мукаммал. Масалан, эътиборли жиҳатлардан бири - сиёсий партиялар томонидан депутатликка номзод кўрсатилганда хотин-қизлар учун 30 фоиз квота ажратишидир. Марказий сайлов комиссияси сайловларга тайёргарлик ишлари билан пухта шуғулланмоқда. Мамлакатингизга келганимга атиги бир неча кун бўлган эса-да, Ўзбекистон фуқаролари бўлғуси сайловларга катта умид боғлаётгани, янги парламент бутун жамият равнақи йўлида янада самаралироқ ишлашига комил ишонч билан қараётганига гувоҳ бўлдим.

Юртингиз ҳақида таассуротларим жуда яхши. Бу юрт халқи нафақат меҳрибон ва очиққўнгил, балки жуда истеъдодли ҳамдир. Иқтисодиётда ҳам, фанда ҳам, барча бошқа соҳаларда ҳам қобилиятли мутахассисларингиз бисёр. Шу боис, мамлакатингиз ўтиш даври муаммоларини тез орада муваффақиятли ҳал этиб, иқтисодий ривожланишнинг янги босқичига дадил қадам қўйишига ишонаман.

Ўзбекистон халқига фаровонлик, бахт, барча орзу-умидлари рўёбга чиқишини тилаб қоламан.

(ЎзА)

ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИГА ХАЛҚАРО ВАЛЮТА ФОНДИНИНГ БАҲОСИ

2004 йилнинг 9-17 декабр кунлари Халқаро валюта фондининг Яқин Шарқ ва Марказий Осиё департаменти маслаҳатчиси Жон Вейкман-Линн раҳбарлигидаги миссияси Ўзбекистон Республикасида бўлди.

Миссия аъзолари ташриф давомида давлат бошқарув органлари вакиллари билан жорий йилда республика иқтисодиётини ривожлантириш масалаларини муҳокама этди ҳамда 2005 йилда ва яқин истиқболдаги иқтисодий прогнозлар кўрсаткичларини таҳлил қилди.

Томонлар Халқаро валюта фонди, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва Марказий банки ўртасидаги ҳамкорлик самарали мулоқот ва ўзаро ишонч асосида амалга оширилаётганини таъкидлашди. Миссия талаб этилган маълумотлардан фойдаланишда катта имконият яратиб берилганлиги учун алоҳида миннатдорлик билдирди.

Миссия Халқаро валюта фонди ва бошқа молия институтлари билан яқин ҳамкорликда ишлаб чиқилган макроиқтисодий ва тузилмавий ислоҳотлар дастурларининг ҳукумат томонидан амалга оширилиши натижасида 2004 йил иқтисодий ўзгаришлар жараёнида кескин юксалиш йили бўлганлигини мамнуният билан қайд этди.

Халқаро валюта фонди делегацияси Ўзбекистон ҳукуматини 2004 йилдаги юқори иқтисодий натижалар билан, чунончи, ялпи ички маҳсулотнинг 7 фоиздан кўпроқ, ташқи савдодаги ижобий баланс 1 миллиард доллардан зиёдроқ ва олтин-валюта заҳираларининг 30 фоиздан кўпроқ ошганлиги билан қутлади.

Миссия сўмнинг чет эл валютасига конвертацияси муваффақиятли амалга оширилгани ва бу тадбир юксак иқтисодий натижаларга эришишда муҳим омил бўлганига тўла ишонч ҳосил қилди. Шу билан бирга, ушбу тадбир юқори қўшимча қийматга эга товарларни экспорт қилишнинг кескин ортиши ҳисобидан экспорт ҳажмининг жадал ўсишини таъминлаш имконини берди.

Миссия Ўзбекистон ҳукумати томонидан амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар жараёни жадаллашганини, жумладан, кенг кўламли хусусийлаштиришни, зарар кўриб ишлаётган ва паст рентабелли ширкат хўжаликларини тугатиш ҳамда уларнинг негизида хусусий фермер хўжаликларини ташкил этиш ишларини, жамғарма пенсия тизимини жорий этиш бошланганини, ҳукуматнинг иқтисодиётни бошқаришдаги иштирокини камайтиришга қаратилган маъмурий ислоҳотларни ўтказиш борасида олиб борилаётган ишларни қайд этди.

Миссия Ўзбекистон ҳукуматини 2004 йилги бюджетни бажаришда юқори натижаларга эришгани билан табриклади. Бюджетни Марказий банк томонидан молиялашга таянишни тўхтатиш ҳамда бу сиёсатни 2005 йилда давом эттириш ҳақидаги қарорни маъқуллади.

Халқаро валюта фонди миссияси Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг макроиқтисодий дастури ва 2005 йилда амалга ошириладиган тузилмавий ислоҳотларини қўллаб-қувватлайди. Халқаро валюта фонди экспертлари қўйилган мақсадларга эришиш учун ҳукуматнинг макроиқтисодий барқарорликни таъминлашни давом эттириш, банк соҳаси ва тураржой-коммунал хўжалигида ислоҳотларнинг янги босқичини ўтказиш, солиққа оид қонунчиликни такомиллаштириш, бюджетни бажаришнинг ғазначилик тизимини ташкил этиш ва ташқи иқтисодий савдо фаолиятининг қонунчилик базасини Жаҳон савдо ташкилоти стандартларига мувофиқ ривожлантиришга доир саъй-ҳаракатлари муҳимлигини таъкидлади.

Фонд экспертлари Марказий банкнинг келгусида нақд пул тақчиллигига йўл қўймаслик ва банкларнинг нақд пулга бўлган эҳтиёжини тўлиқ қондиришга доир ҳаракатларини маъқуллади. Ҳукумат ва Марказий банк пластик карточкаларни жорий этиш барча томонлар учун ихтиёрий бўлишини қатъий таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва Марказий банки Халқаро валюта фонди миссиясига самарали, очиқ мулоқот учун миннатдорлик билдирди, унинг тавсиялари 2005 йил ҳамда яқин келажакда иқтисодий сиёсатни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда диққат билан кўриб чиқилиши ва инобатга олинишини қайд этди.

(ЎзА)

Чиноз туманидаги 725-сайлов участкаси бўйича 2 мингдан зиёд сайловчи рўйхатга олинган. Шу кунларда улар ўртасида тарғибот ишлари уюшқоқлик билан олиб борилмоқда. Бу галги сайловларнинг аввалгиларидан фарқи, икки палатали Парламент, сайлаш масъулияти каби мавзуларда ўтказилаётган мулоқотларнинг фойдаси катта бўлмоқда.

***Суратда:** сайлов участкаси комиссияси раиси Дилбар Солиева маҳалла фаоллари Феруза Тошбоева ҳамда Одилжон Шарипов билан галдаги ишлар хусусида фикрлашмоқда.*

ТАРҒИБОТЧИ

маҳоратига кўп нарса боғлиқ

Набижон ота ўғли келтирган газеталарни эндигина кўздан кечириб бўлиб, телевизор мурватини бураётган ҳам эдики, дарвоза тақиллаб қолди ва сал фурсат ўтмай ичкарига қўлига папка ушлаган йигит салом билан кириб келди.

- Э келсинлар, - Набижон ота меҳмонни самимий кутиб олди. - Қани ичкарига марҳамат.

Н. Ёқубжонов қишлоқнинг ҳурматли оқсоқолларидан, 45 йил ўқитувчилик қилган, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими. Нафақага чиққандан кейин ҳам бир неча йил ёшларга таълим-тарбия беришни давом эттирди. Кейин ўғиллари «энди дам олсангиз бўларди, қандай хизмат чиқса, биз тайёр» дея қўйишмагач ҳордиқни бошлади.

У меҳмонни ўтиришга таклиф этаркан, бир пиёла чой узатди.

- Газеталардан ўқиб кузатиб бораётган бўлсак-да барибир сайловга оид саволларимиз йўқ эмас.

Сўнг тарғиботчи сифатида Ёқубжоновлар хонадонига ташриф буюрган Соибжон Турғунов оиланинг сайлов ёшидаги бошқа аъзоларини ҳам хонага таклиф этишни илтимос қилди. Ҳамма йиғилиб бўлгач гап бошлади:

- Ўзларингизга яхши маълумки, бу галги сайлов олдингиларидан тубдан фарқ қилади. «Меҳр ва мурувват йили» интиҳоси, Юртбошимиз ташаббуси билан эълон қилинган «Сиҳат-саломатлик йили» ибтидосида белгиланган сайлов мамлакатимиз ҳар бир фуқароси ҳаётида катта воқеадир. Бу галги сайловнинг ўтганларидан фарқи ва аҳамияти шундаки, деярли 3 минг йиллик ўзбек давлатчилиги тарихида илк маротаба профессионал Парламент шакллантирилади. Бу жараён жамиятда демократик тамойиллар, қонун устуворлиги ва халқнинг сиёсий онги, фаоллиги қай даражада эканлигини кўрсатувчи ўзига хос имтиҳон ҳисобланади.

Шундан кейин С. Турғунов Ёқубжоновлар оиласи аъзоларининг сайловга оид саволларига жавоб қайтарди.

- Давлат аслида ҳуқуқий қонунларга бўйсунган кўпдан-кўп кишиларнинг йиғиндисидир, - деди у сўзининг якунида. – Ҳар биримиз турли касб-ҳунар билан машғул бўлганимиз туфайли давлатни бевосита бошқаришда иштирок этиш имконига эга эмасмиз. Шу боис жамият бошқаруви фаолиятига ўзимиз танлаган, сайлаган вакилларимиз орқали таъсир кўрсатамиз.

Биз юқорида Янгиқўрғон туманидаги «Заркент» ширкат хўжалиги қошида ташкил этилган 504-сайлов участкасида иш олиб бораётган тарғиботчилардан бирининг фаолиятидан мисол келтирдик, холос.

Ширкат хўжалигининг икки қаватли ҳашаматли биносида ташкил этилган участкада 26 декабрда ўтказиладиган сайловга тайёргарлик авжида. Бу ерда 2218 сайловчининг рўйхати яққол кўзга ташланади. Овоз бериш хоналари тахт. Депутатликка номзодлар суратлари чиқарилган ва варақалардан улар ҳақидаги маълумотлар билан танишиш мумкин.

- Биз ҳар бир сайловчининг тўла тушунчага эга бўлишини, номзодлар бўйича тўла маълумот олишини таъминлаш чорасини кўряпмиз, - дейди суҳбатда участка сайлов комиссиясининг раиси Мухторхон Асроров. - Бинобарин тарғиботчиларимиз ҳар бир хонадонга кириб сайлов ёшидаги оила аъзолари билан шу мавзуда суҳбатлар ўтказиб боришяпти ва улар томонидан тушган саволларга жавоб қайтармоқдалар. Бу борада Соибжон Турғунов, Санобархон Нажмиддинова, Тўхтамирза Мирзаабдуллаевлар алоҳида намуна кўрсатишяпти.

О. ЖУМАНАЗАРОВ,
«Ишонч» мухбири

Касаба уюшмалари бугун

МЕҲНАТ ШАРОИТИ

ютуқларга эришишнинг етакчи омили

Жамиятимизнинг барча жабҳалари қайта шаклланмоқда. Меҳнаткашлар манфаатларини рўёбга чиқариш, ҳуқуқлари кафолатини таъминлаш, адолат ва қонун устуворлигига эришиш асосий вазифа қилиб қўйилган. Ана шу мақсадлар йўлидаги ҳаракатларда касаба уюшмаларининг ҳам арзигулик ҳиссаси бор.

Бугун барча корхона ва ташкилотларда ижтимоий-иқтисодий, маърифий соҳада муаммолар бор, албатта. Булар ижтимоий ҳимояни, меҳнат муҳофазасини кучайтиришга, манфаатдорликни оширишга маълум маънода халақит бераяпти. Биронта масалани ҳеч ким четдан келиб ҳал қилиб бермайди. Жамоанинг ҳамжиҳатлиги, ҳамфикрлиги, унумли меҳнати орқали иқтисодий ўсишга ва натижада ижтимоий соҳада ўнгланишга эришилади. Бошқача айтганда, жамоа ўз меҳнати натижасига яраша ижтимоий кафолатлардан баҳраманд бўлади.

Вилоят маданият ходимлари касаба уюшмаси тизимидаги ташкилотлар жамоалари ҳам кўп масалалар ечими ўзларига боғлиқ эканлигини англаб олишган. Шу боис иш берувчи билан тузилган жамоа шартномалари бандларида аниқ вазифалар белгилаб қўйилмоқда. Шуниси муҳимки, кейинги йилларда тармоқда амал қилаётган жамоа шартномаларига 30 га яқин қўшимча имтиёзлар ва ижтимоий кафолатлар киритилди. Булардан юзлаб ходимлар баҳраманд бўлишаяпти. Аксарият ташкилотларда иш берувчилар ва касаба уюшма ташкилотлари ишни яхши ташкил этаётганини эътироф этишимиз мумкин.

Аммо, очиғини айтганда, ходимлари кам сонли бўлган ташкилотларда жамоа шартномалари тузиш, фаолиятни шу асосда ташкил этишга етарли эътибор берилмаяпти. Айримларида эса жамоа шартномаларида кўрсатилган бандларнинг 20 - 25 фоизи мутлақо бажарилмай қолиб кетмоқда. Тўғри, йил сайин аҳвол яхшиланиб, мажбуриятни бажармаслик кўрсаткичлари камайиб бораётир. Қонун ва давр талабини тўғри тушунган иш берувчилар ўз зиммасидаги вазифаларга масъулият билан ёндашишмоқда. Бундай муаммолар, яъни, масалан, меҳнат шароитини яхшилаш, ходимларни махсус кийим ва ҳимоя воситалари билан таъминлаш, иш ҳақини ўз вақтида тўлаш каби муаммолар касаба уюшма қўмитаси ва иш берувчи ҳамкорликда ишламаслиги, бир-бирига амалий ёрдам бермаслиги оқибатида пайдо бўлади. Бундай ҳолатларни «Киновидео» ҳиссадорлик жамиятига қарашли муассасаларда, «Интуртранс» АЖда, «Самкитоб» АЖда яққол кўриш мумкин. Тармоқ касаба уюшма вилоят вакиллиги бу ташкилотлардаги ишларни ўрганиб, нуқсонларни бартараф этиш бўйича ўз таклифларини киритди.

Тармоқдаги ташкилотларда меҳнат жамоаларига боғлиқ бўлмаган ҳолда вужудга келадиган муаммоларни ҳал қилиш қийинлигини тушуниш мумкин. Лекин ходим ўз мажбуриятини бажармаслигини ёки иш берувчи қонун талабига риоя қилмаслигини оқлаб бўлмайди. Ана шунинг оқибатида меҳнат ҳуқуқлари бузилади. Касаба уюшмалари вилоят вакиллигига ўтган давр ичида меҳнаткашлар 600 мартадан зиёд мурожаат қилганлиги фикримизнинг далилидир.

Вилоят тармоқ касаба уюшмаларида меҳнаткашларни соғломлаштириш, маънавиятини бойитиш борасида ҳам анчагина ишлар қилинаяпти. Кейинги беш йилда 306 ходим санаторийларда, уларнинг 790 нафар фарзанди болалар оромгоҳларида дам олдирилди. Тармоқда ташкил этилган 15 та жисмоний тарбия жамоаларига минга яқин киши жалб этилиши, кўплаб оилавий спорт тадбирлари ўтказилиши меҳнаткашлар саломатлигини тиклашда ижобий самара бераяпти. Шунга қарамай бир қатор ташкилотларда, туманларда оммавий спорт тадбирларига эътибор сусайтириб юборилганлигини тан олишга мажбурмиз. Республика миқёсида спорт ва маданият тармоқлари бошқарувининг бирлаштирилиши тармоқдаги ишлар яхшиланишига ҳам катта турткi беради, деб ўйлаймиз.

Нима бўлганда ҳам тармоқ касаба уюшмаларида фаоллик анча ошиб бормоқда. Қуйидан кўплаб фикр-мулоҳазалар билдирилаяпти. Энг муҳими, жойлардаги ишлар ижобий томонга ўзгартилишига эришилмоқда. Бу эса касаба уюшма ташкилотлари ўз олдиларидаги вазифаларни уддалаяпти, деганидир.

С. РАҲИМОВ,
Ўзбекистон маданият ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитасининг Самарқанд вилояти бўйича вакили

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2004 йил 21 декабрдан бошлаб қайта молиялаш ставкасини йиллик 18,0 фоиздан 16,0 фоизгача туширди.

ФАБРИКА ИНВЕСТОР ТОПДИ

Андижондаги "Марҳамат" йигирув-тўқув фабрикаси келгуси йилда хитойликлар билан ҳамкорликда қўшма корхона ташкил этишни режалаштирган.

Фабрика раҳбари ўринбосари Собиржон Турсуновнинг таъкидлашича, айни пайтда шанхайлик сармоядорлар билан ҳамкорликда йигирилган ип ва қалин матоларни ишлаб чиқириш мўлжалланмоқда. Мазкур қўшма корхонанинг ишга туширилиши яна 120 нафар кишини иш билан таъминлаш имконини беради ва фабрика маҳсулотларини хорижга экспортини ривожлантиради.

900 нафар ишчи ишлаётган фабрикада жорий йилнинг ўтган 11 ойи якунларига кўра, 4 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган.

С.Турсуновнинг фикрича, охирги йилларда корхонада ички имкониятлардан фойдаланган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқаришнинг замонавий усулларни қўллаш ва мавжуд муаммоларни ўз вақтида бартараф этилиши ютуқлар гарови бўлмоқда.

"Туркистон-пресс"

АНТАЛИЯДА ОЛИНГАН ҚЎШ МЕДАЛ

Туркиянинг Анталия шаҳрида талаба ёшлар ўртасида ўтган бокс бўйича жаҳон чемпионатида дунёнинг 32 мамлакатидан келган чарм қўлқоп эгалари иштирок этди. Унда ватанимиз шарафини ҳимоя қилган бухоролик икки спортчи - Фозил Файзиев ва Аббос Атоев кумуш медалларни қўлга киритди.

(ЎзА)

Бир Фармон шарофати

САОДАТ СОҲИБАЛАРИ

Касаба уюшмалари Бухоро вилоят кенгаши, тармоқ қўмиталари, вакилликлари, бошланғич ташкилотлар хотин-қизларнинг меҳнат, ижтимоий, иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган муайян ишларни амалга оширмоқдалар.

Президентимизнинг шу йил 25 майдаги «Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»-ги Фармонида жамоат ташкилотлари билан алоқани мустаҳкамлаш лозимлиги алоҳида кўрсатиб ўтилган. Меҳнат жамоаси ва оилада соғлом маънавий-ахлоқий муҳитни барпо этишда кенг жамоатчилик билан ўзаро уйғунликдаги ҳаракатлар ўзининг ижобий самарасини бераяпти.

Касаба уюшмаларида ишлаётган хотин-қиз ходимларнинг диний-маърифий ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича вилоят хотин-қизлар қўмитаси, прокуратура, ҳуқуқий-маърифий тарғибот, маънавият ва маърифат марказлари билан ҳамкорликда учрашув ўқуви ўтказилди. Ҳуқуқий саводхонликни ошириш мақсадида «Аёл ва ҳуқуқ», «Сиз ҳуқуқингизни биласизми?», «Никоҳ шартлари» каби мулоқотлар, маҳаллий радио ва телевидение орқали «Зийнат», «Аёл қалби», «Бунёдкор ғоя» сингари кўрсатув ва ҳуқуқий масалалар бўйича чиқишлар уюштирилди.

«Бунёдкор аёл», «Мадад», «Оила марказлари» каби нодавлат ташкилотлар билан биргаликда хотин-қизлар муаммоларини ҳал этишга яқиндан кўмаклашилаяпти.

Оналик ва болаликни ҳимоялаш мақсадида жамоа шартномаларига қўшимча имтиёзлар киритилган. Фарзандлари икки ёшдан уч ёшга тўлгунга қадар нафақа тўлаш, кўп болали оналар учун маоши сақланган ҳолда иш ҳафтасини бир соатга қисқартириш, қўшимча таътиллар бериш каби енгилликлар яратилди. Кам таъминланган, икки ва ундан ортиқ болали оилалар, ҳомиладор аёллар, касб касаллиги билан ногирон бўлганларга моддий ёрдам, мактабгача тарбия муассасаларига қатнаётган фарзандлари учун тўловларни корхоналар ҳисобидан қоплаш, махсус мактаб-интернатлар, Меҳрибонлик уйларига ҳомийлик ёрдами кўрсатиш анъанага айланган.

Вилоят халқ хўжалигининг турли соҳаларида меҳнат қилаётганларнинг 55 фоизи хотин-қизларни ташкил этади. Давлатга дон, пахта, пилла сотиш шартнома режаларини ошириб бажаришда бухоролик қалби қайноқ, меҳридарё аёлларнинг муносиб ҳиссаси бор. Саноат, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш, ўқув, тарбия, соғлиқни сақлаш, маданий-маиший хизмат кўрсатиш муассасаларида ҳам минглаб оқила ва фидойи инсонлар меҳнат қилишаяпти.

«Бухоротекс» ҳиссадорлик жамиятининг ип йигирувчиси Мартия Раҳматова фидокорона меҳнати туфайли «Ўзбекистон Қаҳрамони» юксак унвонига сазовор бўлган. У Зулҳумор Шомуродова, Лола Шодиева, Шаҳноза Собирова, Сайёра Султонова сингари ёшларга мураббийлик қилиб, касб ўргатди. Тиниб-тинчимас йигирувчи аёл ишлаётган цехда ҳар ойда ўртача 100 тоннадан ип ишлаб чиқарилаяпти.

Ҳиссадорлик жамияти ишчи ходимларининг етмиш фоизини аёллар ташкил этади. Мустақиллигимизнинг 13 йиллиги арафасида 2-йигирув-тўқув фабрикаси тўқувчиси Гулсара Ражабова «Шуҳрат» медали билан тақдирланди.

Маъмурият ва касаба уюшма қўмитаси ўртасида тузилган жамоа шартномасида ишловчиларни ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий муҳофазалашга қаратилган тадбирларнинг ижроси таъминланаяпти. Ўттиз икки йилдан бери тиббиёт соҳасида хизмат қилиб келаётган Бухоро шаҳар шифохонаси терапия бўлими мудири «Меҳнат шуҳрати» ордени соҳибаси Адолат Раҳимова, Шофиркон туманидаги И.Мўминов номли ширкат хўжалиги пудратчиси, «Шуҳрат» медали билан тақдирланган Манзура Шарипова, Бухоро шаҳар телекоммуникациялар боғламаси телефонисти Олия Раҳмонова, бадиий гимнастикачилар устози, «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт мураббийси» Римма Хохлова, «Атаруа» мустақил газетаси бош муҳаррири Бахшанда Болтаева сингари юзлаб фаол ва жамоатчи аёллар юртдошлари орасида ҳурмат-эътибор қозонишган.

Ўтган даврда 22 мингдан зиёд янги ишчи ўринлари яратилган бўлса, шундан 40 фоизига аёллар жойлаштирилди. Мавжуд 60 та қўшма корхоналарда ишлаётганлар орасида хотин-қизлар салмоқли ўринни эгаллайди. Вилоятдаги 340 оилага 273 миллион сўмлик микрокредитлар ажратилиб, зардўзлик, касаначилик, уй ишлари йўлга қўйилди. Якка тартибда фаолият кўрсатаётган Робия Юнусованинг қўлида жило топган келин-куёв кийим-кечаклари, зардўзлик буюмларининг харидорлари кўп. Оилавий тадбиркорликнинг ривож топиши аҳоли турмуш фаровонлиги ўсишига ижобий таъсир кўрсатаяпти.

– Вазирлар Маҳкамасининг «Аёллар ва ўсиб келаётган авлод соғлигини мустаҳкамлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ҳамда «Оила тиббий маданиятини ошириш, аёллар соғлигини мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилиши ва уни тарбиялашнинг устувор йўналишларини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида»ги қарорларининг ижроси қатъий назоратга олинган, - дейди биз билан суҳбатда касаба уюшмалари вилоят Кенгаши раиси Саида Сайфуллаева. – 392 минг 497 нафар туғиш ёшидаги аёлларнинг 99 фоизи тиббий кўрикдан ўтказилди. Экстрагенитал касалликлари аниқланганлар шифохона ва амбулатория шароитида даволанаяпти.

Вобкентдаги 110 ўринли аёллар саломатлик маркази, вилоят болалар шифохонаси, «Она ва бола» скрининг, «Умид» ногирон болаларни реабилитация қилиш марказлари, Ғиждувон, Коғон, Бухоро туманларидаги туғруқ мажмуаларида аёллар ва болаларнинг соғлигини тиклаш учун ҳамма қулайликлар яратилган. Бухоро шаҳридаги 32-«Меҳрибонлик уйи»ни таъмирлаш учун ҳомийлар томонидан 300 миллион сўм маблағ ажратилиб, замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди.

Жисмоний тарбия ва спорт кенг оммалашмоқда. Мана бир неча йилдирки, гимнастикачи қизларимиз республика мусобақаларида ғолибликни эгаллаб келишаяпти. Ғиждувон, Пешку, Жондор, Қоровулбозор ва Қоракўл туманларида фаолият кўрсатаётган бадиий гимнастика марказлари қатнашчиларининг 60 фоизини қишлоқ қизлари ташкил этади.

Маҳаллалар ва қишлоқлар, фуқаролар йиғинлари, мактаблар, касб-ҳунар коллежлари ва олий ўқув юртларида «Балли, қизлар», «Санам сарвари», «Ибратли келинчак», «Қайнона ҳам она», «Энг намунали оила», «Йилнинг энг фаол аёли» мавзусидаги тадбирлар мунтазам ўтказилаяпти.

Ҳаётимизнинг гултожи ҳисобланган аёллар меҳнатини муҳофазалаш, улар учун хавфсиз иш шароитлари яратиш, хотин-қизларнинг жамоа ва оиладаги фаоллигини ошириш касаба уюшмаларининг доимий эътиборида турибди.

И.ҲИКМАТОВ,
«Ишонч» мухбири

Хорижий инвестициянинг олиб кирилиши «Узсаламан» Ўзбекистон-Германия қўшма корхонасида муҳим тараққиёт йўлини бошлаб берди. Янги замонавий технологиянинг тўлиқ ишга тушиши билан маҳсулотларга эҳтиёж ҳам, талаб ҳам ортди. Бугунги кунда 48 турда пойабзал ишлаб чиқарилмоқда. Яқинда бу ерда янги қолиплар асосида маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Шу боис пойабзалларнинг сифатига алоҳида эътибор берилаяпти. Бир йилда 250 минг жуфт пойабзал ишлаб чиқариш режалаштирилган. Янги йилда эса бу кўрсаткични икки баробарга ошириш мўлжалланмоқда.

Суратда: ишчи Юлдузхон Рўзиматова.

М.ҚОДИРОВ
(ЎзА) олган сурат

Жамоа шартномаси шартлари қандай бажариляпти?

ҲАМИША ЕЛКАДОШ

Боғдагул Алиеванинг бошига ташвиш тушди. Яхшиямки, қадрдон ишхонаси, ҳамкасблари бор экан. Шулар корига яради, ҳамдард бўлди. Раҳбарлари моддий ёрдам кўрсатди. Балеш Абуталиева фарзанди, Йўлдошбой Айитбоев эса рафиқаси касал бўлганида ҳам корхона маъмурияти ва бошланғич касаба уюшма қўмитасининг кўмагидан баҳраманд бўлди. Бундай ибратли ишлар Қўнғирот туманидаги «Қўнғирот толаси» очиқ ҳиссадорлик жамиятида мунтазам амалга оширилади.

Жорий йил қорақалпоғистонлик деҳқонлар учун саховатли келди. «Қўнғирот толаси»га оқиб келган пахта карвони кўзни қувонтирди. Бу ерда айни пайтда иш қизғин давом этмоқда. Иш хоналари меҳнат қилиш учун қулай. Замонавий техникалар қўл меҳнатини енгиллаштирмоқда. Дам олиш, аёллар учун гигиена хоналари, тиббиёт шохобчаси, ҳаммом, кутубхона ишчилар хизматида. Улар бепул иссиқ овқат билан таъминланган. «Ишлаб кам бўлаётганимиз йўқ. Рўзғоримизни тебратяпмиз. Вақтида иссиқ овқат, маош, зарур озиқ-овқат маҳсулотлари беряпти», дейди ишчилардан Шайдогул Аметова ва Ўролбой Камолов.

Мавриди келганда таъкидлаб ўтиш жоиз, касабақўмнинг корхонада обрўйи баланд. Очиқкўнгил, самимий Пўлат Бойлепесов ишчи аҳлининг кўнглига йўл топган. «Ўзим ҳам ишчиман, ахир. Қандай қилиб уларнинг дардини тушунмай, оғирини енгил қилишга уринмай», дейди у. Корхона маъмурияти билан бошланғич касаба уюшма қўмитаси ўртасида тузилган жамоа шартномаси ҳар жиҳатдан мукаммал. Ҳуқуқий ҳужжат ходимларнинг иш билан бандлигини таъминлаш, меҳнатга ҳақ тўлаш, қўшимча меҳнат таътили бериш, сидқидилдан ишлаётган ходимларни моддий ва маънавий рағбатлантириш каби талай масалаларни ҳал этишда муҳим дастур бўлиб хизмат қилмоқда. Шунингдек, унга меҳнатни муҳофаза қилиш, ишчилар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш, зарур шарт-шароитлар яратиб бериш каби масалалар ҳам киритилган. Шунга кўра меҳнат ва уруш фахрийлари, ёлғиз кексаларга ғамхўрлик кўрсатиляпти. Касаба уюшма қўмитасининг қарори билан кийим-кечак, озиқ-овқат маҳсулотлари беряпти, моддий ёрдам кўрсатилмоқда.

Ш.ИСКАНДАРОВА,
«Ишонч» мухбири

РАЦИОНАЛИЗАТОРЛАР 100 МИЛЛИОННИ ТЕЖАБ ҚОЛИШДИ

«ЎзДЭУавто» қўшма корхонасида ўтган сифат тўгараклари конференцияси иштирокчилари ўз рационализаторлик таклифларини тақдим этишди. Ишчилар, муҳандис-техник кадрлар ва раҳбар ходимларнинг бундай ихтиёрий бирлашмаларининг асосий вазифаси - корхонани бошқаришда ҳар бир ходимнинг иштирокини рағбатлантиришдир.

Сифат тўгараклари аъзолари ўз ишининг устаси бўлгани ҳолда, кўпинча муаммони ҳал қилишнинг ғайриоддий услубларини излашади ва таклиф қилишади. Тўгараклар - автозаводда олиб борилаётган сифат сиёсатининг таркибий қисми. Улар касб маҳоратининг ўсиши, ўзаро ишончнинг мустаҳкамланиши, жамоавий руҳнинг шаклланишига ёрдам беради.

- Биринчи сифат тўгараги 2001 йил августида ташкил этилди, - дейди инновациялар бошқармаси бош менежери ёрдамчиси Холмуҳаммад Тожибоев. - Бугунги кунда уларнинг сони 145 га етди ва улар қарийб 1000 кишини бирлаштирган. Йилда икки марта уларнинг энг яхшилари анъанавий конференцияга тўпланади ва мавжуд ишлаб чиқариш муаммоларини ҳал этиш йўлларини таклиф этади. Улар ҳисобида 538 та рационализаторлик таклифи бор, 310 таси ишлаб чиқаришга жорий этилди ва 100 миллион сўм иқтисодий самара берди. Тўгараклар кўлами бутун технологик жараённи қамраб олади.

КОЛЛЕЖНИНГ ЯНГИ БИНОСИ

Мамлакатимизда изчиллик билан амалга оширилаётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг иккинчи босқичида белгиланганидек кўплаб касб-ҳунар коллежлари қайта реконструкция қилиниб, ўқув базаси янада мустаҳкамланмоқда. Элликқалъа тиббиёт коллежи ана шундай таълим муассасаларининг биридир.

Лойиҳага мувофиқ коллеж реконструкциясининг иккинчи босқичида уч юз ўринли ўқув-лаборатория биноси қуриб битказилди. Ушбу замонавий ўқув мажмуини «Элликқалъадеҳқонқурилиши» масъулияти чекланган жамият қурувчилари бунёд этди.

Жамият раиси Обод Мерешовнинг айтишича, айни кунлари коллежнинг икки юз ўринли ётоқхонаси қурилиши бошланган. Уни Наврўз байрами арафасида фойдаланишга топшириш режалаштирилган.

Ўқув-лаборатория биносининг очилишида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси Т.Тангирбергенов иштирок этди.

СИМСИЗ АЛОҚА ТИЗИМИ

Шу кунларда Бухоро вилоятининг олис масканларида жойлашган сайлов участкалари билан ҳам телефон орқали бемалол боғланиш мумкин. Ҳатто у ерлардан Интернет тизимига ҳам уланса бўлади.

Бухоро шаҳрида «Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясига қарашли «Ўзбектелекоммобайл» филиали - 5 ESS коммутатор станцияси ишга туширилди.

Мамлакатимиз ҳукумати ва Япониянинг Халқаро ҳамкорлик банки (JBIC) ўртасида имзоланган ҳужжатга мувофиқ шимолий минтақаларга хизмат кўрсатувчи замонавий алоқа тизимини барпо этиш ишлари изчил давом этмоқда.

Ўтган давр мобайнида «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси мутахассислари япониялик ҳамкорлар билан беш миллион АҚШ доллари миқдоридаги техник ва монтаж ишларини амалга оширдилар. Бухоро шаҳрида 20 минг нуқтали 5 ESS коммутатор станцияси ўрнатилди. Бухоро, Хоразм ва Навоий вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудидаги 30 базали станция монтаж қилинди. Уларда 4200 доимий ишлайдиган терминал ўрнатилиши кўзда тутилган.

Янги алоқа тизимининг тақдимот маросимида сўзга чиққанлар мазкур симсиз алоқа тизими мамлакатимизда алоқа ва телекоммуникация тармоғини ривожлантиришда муҳим омил бўлишини таъкидлади. Бу тармоқ нафақат шаҳар ва қишлоқлар, балки телефонлаштирилмаган энг олис ҳудудларни ҳам қамраб олиб, Интернет тизимига уланиш имконини беради.

- Бундай мураккаб ва замонавий алоқа тизимини ишлатиш чуқур малака ва билим талаб қилади, - деди ЎзА мухбири билан суҳбатда «Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясининг «Бухоротелеком» филиали директори Шариф Худойбердиев. - Шу боис станция ва унинг жойлардаги базаларига хизмат кўрсатувчи 23 мутахассис хорижда етарлича малака ошириб келди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош Вазирининг ўринбосари, Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директори А.Орипов, Бухоро вилояти ҳокими С.Ҳусенов иштирок этди.

Ўз ўрнини топган кишилар

ОДАМЛАР ДЕБ ЯШАЙДИ ОДАМ

Мастурахон ўзини одамларга яқин олиб юришга одатланган. Шунданми, жамоадошлари ҳам касабақўм раиси билан қувонч ва ташвишларини бўлишишни маъқул кўрадилар. Маҳалладаги дийдорлашувларнинг бирида Узоқовлар хонадонини ўйлантираётган муаммодан хабар топган Мастурахон тинчини йўқотди.

Хотин-қизлар қўмитаси, туман «Маҳалла» хайрия жамғармаси фаолларини ёнига олиб Узоқовлар оиласига йўл олди. Бир пиёла чой баҳонасида хонадон соҳибаси онаизор билан меҳмонлар ўртасида дилдан гурунг борди. Онахоннинг юзидаги қат-қат ажинлардан, синиқ овозидан, ҳовли-жойнинг кўринишидан тўнғич ўғил Фарҳоджоннинг бошини иккита қилиш кераклиги ўз-ўзидан билиниб турарди.

Мастурахон мезбоннинг ориятига тегмаслик учун гапни узоқдан бошлади. 2004 йил Меҳр ва мурувват йили эканлиги, ширкат хўжалиги касаба уюшмаси билан бақамти бўлиб, давлат дастурига жавобан, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш ҳақида тадбир ишлаб чиқилганлиги, шунга кўра Фарҳоджоннинг никоҳ тўйини ҳам биргалашиб ўтказажакларини ётиғи билан айтади. Кенгга кенг дунё, торга тор дунё деганлар. Меҳмонларнинг жиянлари Омониллонинг суннат тўйини ҳам бира тўла ўтказиш ҳақидаги маслаҳати онага анча ёқиб тушди. Шундай қилиб тўй-тўйларга уланиб кетди. Ширкат мутасаддилари, касабақўм аъзолари, маҳалладошлар тўйбоши бўлдилар.

Кўраяпсизки, Қўрғонтепа туманидаги «Намуна» ширкат хўжалигида ҳамма бир тан-бир жон. Ҳеч ким ўзини ёлғиз сезмайди. Касабақўм ва маъмурият ишчилар оғирини енгил қилишда доим елкадош. Кам таъминланган, яккаёлғизлардан К.Самсонов, Мадкаримова, О.Исмоиловаларнинг ҳовли-жойлари ширкат хўжалигининг ҳомийлигида қайта таъмирланди.

Меҳнат кишиларини ижтимоий-иқтисодий ҳимоялашда жамоа шартномаларининг таъсири катта бўляпти. Негаки, ишловчиларнинг меҳнат ва яшаш шароитини яхшилаш, соғломлаштириш, дам олишини ташкил қилиш, қўшимча иш ўринларини яратишга иш берувчи билан касабақўм бирдек масъул эканлиги жамоа шартномасида алоҳида бандлар билан мустаҳкамланган. Бу йилги пахта йиғим-терими чоғида бригада дала шийпонларида бир маҳалдан бепул тушлик овқат канда бўлмади. Меҳнатчилар иш жойларига махсус транспортда бориб келдилар. Зарарли шароитда ишловчилар учун шу кунларда ҳам сут-қатиқ каби парҳез озиқ-овқатлар тарқатилмоқда. Кейинги 5 йил мобайнида ушбу тадбирларга 40 миллион сўмдан кўпроқ маблағ сарфланди.

Ҳайит байрамларида етим-есир, ногирон, нуронийлардан кўнгил сўраш тадбири ширкатда анъанага айланган. Ўтган йилларда жами бўлиб ишловчиларга 8 миллион сўм, кам таъминланган оилаларга 5 миллион сўмга яқин моддий ёрдам кўрсатилди. Қувончлиси, аҳолининг ижтимоий-иқтисодий ҳимоясига сарфланган пул маблағлари ҳажми йил сайин кўпайиб бормоқда. Сарҳисобларга қараганда, ҳар бир ходимни ижтимоий ҳимоялашга 1999 йили 21646 сўм харажат қилинган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич 63153 сўмга етган. Юқорида таъкидланганидек, касабақўмнинг жамоада ўрни бор. Бирда 2 ёшли бола парваришидаги аёлларга нафақалар етишмаётганлиги, қўшимча даромадга эҳтиёж сезилаётганлиги ҳақида касабақўмга мурожаат келиб тушади. Касабақўм раиси М.Иброҳимова маъмурият билан келишган ҳолда муаммо ечимини излашга киришади. Масалага туман ҳокимлиги аралашади. Натижада туман «Бандлик» бўлими ёрдамга келади.

«Савой» қишлоғи ўрамидаги бўш ётган биноларнинг бирида тикувбичув цехи иш бошлади. «Устоз-шогирд» тизимида ишламай, ўқимай юрган ўсмир қизлар рўйхатга олиниб, малака ошириш курсларида тайёрловдан ўтдилар. Улар учун бир марталик стипендия тўловлар жорий этилди. Шу тариқа ишсизликка барҳам берилиб, уй бекаларидан 100 нафар хотин-қиз муқим иш ўринларига эга бўладилар.

Юртбошимизнинг хотин-қизларнинг оила ва жамиятдаги мавқеини ошириш, ижтимоий ҳимоясини кучайтириш тўғрисидаги қароридан кейин, опа-сингилларимизнинг меҳнатини муҳофаза қилиш борасида ширкатда ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Туғиш ёшидаги ҳамда ҳомиладор аёллар туман ва вилоятдаги шифохоналарда бепул даволанди.

Кўп болали хонадонлардаги газ ва электр ҳақи тўловлари ширкат маблағлари ҳисобидан қопланмоқда. Яна эҳтиёжманд оилаларнинг 400 нафар фарзанди ўқув қуроллари, дарсликлар билан таъминланди.

Жамоа шартномаларида белгиланганидек, аҳолининг турмуш маданиятини юксалтириш масалалари ҳам диққат-эътиборда. Ҳисобот йиллари мобайнида 2 та қишлоқ врачлик пунктлари, шошилинч тиббий ёрдам маркази, қурилиб, ишга туширилди. Чорва фермаси ҳудудига 1,5 километр узунликда табиий газ тармоғи тортиб келинди. Янги таъмирдан чиқарилган қишлоқ хўжалик ходимлари касб-ҳунар коллежида ширкат аъзоларининг 200 нафарга яқин ўғил-қизлари муҳандислик, агрономлик, ҳайдовчилик, ҳисобчилик ихтисослари эгалари бўлиб етишмоқдалар. Жаҳон андозаларига мувофиқлаштирилган 400 ўринли спорт ўйингоҳида ёшлар футбол, қўл тўпи, от спорти сирларини ўзлаштирмоқдалар.

С.РЎЗИМОВ

Меҳнат ва рағбат

ҲАҚ ТЎЛАНАДИГАН

қўшимча таътил

Ҳароратимиз кўтарилса, танамизнинг бирон жойида оғриқ сезсак, шифокор ҳузурига борамиз ва ундан нажот излаймиз. Лекин тиббиёт ходимларининг унумли меҳнат қилишлари учун шароит етарлими. Афсуски, бу тўғрида кам ўйлаймиз. Бу вазифани касаба уюшма ташкилотлари бажаради. Яқинда бўлиб ўтган вилоят тиббиёт ходимлари касаба уюшмалари конференциясида худди шу ҳақда гап борди.

Вилоят тармоқ ходимлари касаба уюшма қўмитасининг раиси Муҳаббат Дадабоеванинг таъкидлашича, ҳисобот даврида соҳа ишловчиларини ижтимоий ҳимоялаш, уларнинг қонуний ҳақ-ҳуқуқларини муҳофаза қилиш борасида анча ишлар қилинган. Бу борада муҳим қонуний ҳужжат ҳисобланган жамоа шартномалари тузиш ва унда кўзда тутилган шартларни амалга оширишга эътибор кучайтирилган.

Чунончи, 2004 йил 1 январ ҳолатига мавжуд 280 та бошланғич ташкилотлардан 277 тасида жамоа шартномаси ва келишувлар имзоланган. Унда кўзда тутилган масалалар вақти-вақти билан йиғилишларда кўриб борилди ва амалга оширилиши назорат қилинди.

Ишловчиларнинг маошларини ўз вақтида олишларини таъминлаш ижтимоий муҳофазанинг муҳим қисмидир. Шу боис ўтган тўрт йил мобайнида 138 ташкилотда меҳнатга ҳақ тўлаш масаласи кўриб чиқилди. Бир неча бор юқори касаба уюшма ташкилотларига соҳа ходимлари иш ҳақини ошириш, рентген хоналарида ишловчи аёллардан имтиёзли солиқ ундириш бўйича мурожаатлар қилинди.

Умуман, кейинги йилларда ишловчи аёлларни 54 ёшдан, имтиёзли пенсияга эга бўлганларни 50 ёшдан пенсияга чиқариш, 3 ёшгача боласи бор аёлларнинг иш соатларини қисқартириш, айрим тоифадаги тиббиёт ходимлари иш соатлари 5,5-6 соат қилиб белгиланишига, 12 ёшгача 2 та ва ундан ортиқ боласи бор аёлларга 3 кунлик ҳақ тўланадиган қўшимча таътил беришга, 16 ёшгача ногирон боласи бор аёлларга бир ойда бир марта ҳақ тўланадиган қўшимча дам олиш куни берилишига эришилди.

Маълумки, меҳнат муҳофазаси хавфсиз ишни уюштиришнинг бош омилидир. Шунинг учун бу жамоа шартномаларида алоҳида кўзда тутилган. Афсуски, айрим ташкилот раҳбарлари ва тегишли масъул ходимларнинг эътиборсизликлари оқибатида ушбу ҳуқуқий ҳужжатларда кўзда тутилган шартларнинг бажарилишига етарли аҳамият берилмаяпти. Оқибатда 1999-2004 йиллар ичида 7 та бахтсиз ҳодиса содир бўлиб, 2 нафар тиббиёт ходими ҳаётдан барвақт кўз юмди. 2 нафари эса оғир тан жароҳати олди. Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорига кўра уларнинг оилаларига товон пуллари тўланиши керак. Лекин айрим муассасалар раҳбарларининг лоқайдлиги туфайли бу талаб амалда бажарилмаган.

Масалан, Наманган шаҳридаги 2-тез тиббий ёрдам кўрсатиш маркази врачи А.Хонкелдиев вафот этганида, унинг оиласига бериладиган 2,5 миллион сўм нафақа пулларини тўлашда шундай ҳолат юз берди. Фақат вилоят касаба уюшма тармоқ қўмитаси аралашувидан сўнггина ҳақиқат қарор топди.

Бундан ташқари даволаш-профилактика муассасаларида, тиббиёт дастгоҳлари, автоклав, кир ювиш машиналари, стерилизатор, сув иситиш қозонхоналаридан фойдаланишда меҳнат хавфсизлиги қоидаси талабларининг бузилишига йўл қўйилмоқда. Синов ва даврий кўриклар вақтида ўтказилмаслик фактлари ҳам аниқланган. Айрим даволаш-профилактика муассасаларининг клиника-диагностика лабораторияларида таҳлиллар ўтказиш учун ҳаво тортиш шкафлари ўрнатилмаган.

Вилоят болалар сил касалликлари санаторийсида, вилоят болалар шифохонаси ва силга қарши курашиш диспансерида автоклавлар синовдан ўтказилмаган. Ўрта тиббиёт ходимларининг автоклав билан ишлаши учун рухсатномалари йўқ.

Соғлиқни сақлаш бошқармасидан тортиб, жойлардаги тиббиёт ташкилотларида ҳуқуқшуносларнинг йўқлиги сабабли тармоқ ходимларининг ҳуқуқлари поймол бўлиш ҳоллари учрамоқда. Текширувлар ва вилоят қўмитасига тушган хат ва аризалар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, ишдан бўшатиш, бошқа ишга ўтказиш, меҳнат дафтарчаларини қонун доирасида ҳужжатлаштириш, меҳнат таътили бериш, иш жадвалларини тузиш масалаларида қонунбузарликларга йўл қўйилмоқда.

Масалан, Поп тумани Ғурумсарой қишлоқ участка шифохонаси ҳамшираси Г.Мамараимова, Янгиобод ҚВП ҳамшираси С.Эрматова, Янгиқўрғон туман марказий шифохонасининг бир гуруҳ ходимлари номидан Ф.Умарова, Чуст туман марказий касалхона ходими Д.Ашурматова, Наманган шаҳар марказий шифохона ҳамшираси М.Абдураҳмонова, Чортоқ санаторийси бир гуруҳ ходимларидан бекор юрган вақт учун иш ҳақи тўланмаганлиги, Наманган шаҳар 4-шифохона ходими К.Тўраевадан меҳнатга лаёқатсизлик варақасига нафақа, вилоят болалар шифохонаси ходими Г.Неъматовадан сафар харажатлари берилмаганлиги тўғрисида шикоят келиб тушди ва улар ижобий ҳал этилди.

Соғлом турмуш тарзини шакллантириш, фарзандларимизни жисмонан бақувват этиб тарбиялашда аёллар соғлиги катта аҳамиятга эга. Вилоят қўмитасида ижтимоий суғурта бюджетининг даромад қисмини кўпайтириш, ходимларни соғломлаштириш ва дам олдиришни ташкил этиш бўйича ҳам бирмунча ишлар амалга оширилди. Тўрт йил давомида 629 нафар ходим соғломлаштирилди, шундан 239 нафари аёллар, 31 нафари ногиронлар бўлиб, 20 та йўлланма бепул берилди.

Маъруза юзасидан бўлган музокараларда Чортоқ туман бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси Л.Машарипов, «Бешкапа» болалар санаторийси бош ҳакими С.Арзиматова, Асаб-руҳий касалликлар диспансери бош ҳакими Х.Азимова, 1-оилавий поликлиника фельдшери Ж.Саидаҳмедов ва бошқалар сўз олиб ҳисобот даврида қўмита томонидан амалга оширилган ижобий ишлар, йўл қўйилган камчиликлар юзасидан фикр юритдилар.

Конференцияда Муҳаббат Дадабоева тармоқ кенгаши раислигига сайланди.

О.НАЗАРОВ

ДЕМОКРАТИК ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ САРИ

ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИДА ТЎЛОВ-КОНТРАКТ АСОСИДА ЎҚИШ УЧУН ТАЪЛИМ КРЕДИТЛАРИ БЕРИШ ТАРТИБИ

САВОЛ: фарзандимиз 2004 йилда Олий ўқув юртига тўлов-контракт асосида ўқишга кирган эди. Оиламизнинг иқтисодий аҳволи ўғлимизнинг ўқиши учун тўланадиган маблағни тўлиқ тўлаб боришни кўтара олмайди. Банкдан таълим кредитлари берилиши тартиблари ҳақида батафсил маълумот берсангиз.

Р. ЎРОЗБОЕВА,
Тошкент шаҳри

ЖАВОБ: банкдан олий ўқув юртларида тўлов-контракт асосида ўқиш учун таълим кредитларининг берилиши Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 26 июлдаги 318-сон Қарорига биноан ишлаб чиқилган «Олий ўқув юртларида тўлов-контракт асосида ўқиш учун таълим кредитлари бериш тўғрисида»ги Низом билан тартибга солинади. Ушбу Низомга биноан Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртларида тўлов-контракт асосида ўқиш учун тижорат банклари томонидан таълим кредитлари бериш, уларни қайтариш, тўловнинг таъминланганлиги, муддатлилиги ва улардан мақсадли фойдаланиш шартлари асосида амалга оширилади.

Таълим кредитлари тижорат банклари томонидан олий таълим муассасаларининг кундузги бўлимларига тўлов-контракт асосида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган талабаларнинг ўқиши учун уларнинг ўзларига, ота-оналарига ёки васийларига (бундан кейинги матнда «қарз олувчи» деб аталади) берилиши мумкин.

Таълим кредитлари, олий таълим муассасаларида ўқиш даври ҳисобга олинган ҳолда, бакалавриатга ўқишга қабул қилинган талабаларга 10 йилгача, магистратурага ўқишга қабул қилинган талабаларга 5 йилгача бўлган муддатга берилади.

Муддатли ҳарбий хизматни ўташ даври бу муддатга кирмайди.

Мазкур Низомга мувофиқ тижорат банклари томонидан берилган таълим кредитлари бўйича:

- чин етимларга, «Меҳрибонлик уйилари»да тарбияланганларга ҳамда болаликдан I - II гуруҳ ногиронларига - фоизсиз кредит;
- талабаларнинг қолган тоифаларига - Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг амалдаги қайта молиялаш ставкасидан юқори бўлмаган ўзгарувчи фоиз ставкалари белгиланади;

Таълим кредитлари бўйича фоиз ставкаси ва тижорат банклари томонидан қўшиладиган фоизлар учун тўловлар миқдори Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси ўзгаришига қараб ўзгариши мумкин, бу кредит шартномасида қайд этилиши керак.

Кам таъминланган оилалардан бўлган талабалар учун кредит бўйича қўшилган фоизларнинг 50 фоизи меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш туман бўлимлари томонидан иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармаси (кейинги ўринларда «Жамғарма» деб аталади) маблағларидан тўланади.

Кўрсатиб ўтилган имтиёзга ҳуқуқли бўлган оилалар кам таъминланган оилаларни ҳисобга олиш ва уларга моддий ёрдам тайинлаш ва беришнинг амалдаги тартибига биноан (Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 24 августдаги 434-сон қарорига илова) фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан аниқланади.

Таълим кредитлари учун фоизларни ҳисоблаш ва тўлаш таълим муассасасига ўтказилган маблағ берилган банкдан, асосий қарзни қайтариш эса талаба томонидан олий таълим муассасасида ўқишнинг ушбу тури учун расмий белгиланган муддати тугаллангандан сўнг, айрим курсларда такроран ўқиш муддати ҳисобга олинмасдан, уч ой ўтгандан сўнг бошланади.

Талаба муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган даврда таълим кредитлари учун фоиз ставкалари ҳисобланмайди.

Таълим кредитлари тартибга кўра қарз олувчи яшайдиган аҳоли пунктида жойлашган тижорат банклари муассасалари томонидан берилади.

КРЕДИТНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ ТАРТИБИ

Таълим кредитини олиш учун қарз олувчи тижорат банкига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

а) таълим кредити бериш тўғрисидаги ариза;

б) талаба ва олий таълим муассасаси ўртасидаги тўлов-контракт асосида ўқиши ҳақида белгиланган тартибда расмийлаштирилган шартнома. Контрактда ўқишнинг белгиланган муддати ва бир йил учун тўлов миқдори кўрсатилган бўлиши лозим. Ўқиш учун тўлов миқдори кейинги йилларда ўзгарган ҳолларда контрактларга тегишли ўзгартиришлар киритилади. Бу ҳақда олий таълим муассасаси ўн кун муддатда банкка ёзма равишда маълум қилади. Сўнгра қарз олувчи банк ва олий таълим муассасаси ўртасидаги кредит шартномасига зарур ўзгартиришлар киритилади;

в) фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёки уй-жой мулкдорлари ширкатлари томонидан қарз олувчининг яшаш жойи тўғрисида берилган маълумотнома;

г) кредитни қайтаришнинг таъминланиши тўғрисида ҳужжат;

д) имтиёзли таълим кредитлари олиш ҳуқуқига эга бўлган чин етимлар, «Меҳрибонлик уйлари»да тарбияланганлар, болаликдан I ва II гуруҳ ногиронлари, кам таъминланган оилалардан чиққанлар тегишли тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этадилар.

Қарз олувчи юқоридаги ҳужжатларни банкка тақдим этиш билан айни бир вақтда паспортини шахсан кўрсатади. Банк паспортдан ва тақдим этилган бошқа ҳужжатлардан зарур кўчирмалар ва нусхалар олишга ҳақлидир. Олинган кредит қайтарилмаслиги хавфининг олдини олиш мақсадида қарз олувчи қуйидаги таъминлаш шаклларидан бирини банкка тақдим этиши лозим. Унинг амалга оширилиши унга қўйилган асосий талаб ҳисобланади:

мол-мулк ёки қимматли қоғозларни гаровга қўйиш;

банкнинг кафолати;

учинчи шахснинг кафиллиги;

суғурта компаниясининг қарз олувчининг кредитни қайтара олмаслиги хавфи суғурта қилинганлиги тўғрисидаги суғурта полиси;

фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг кафиллиги (фақат чин етимлар ва «Меҳрибонлик уйлари»да тарбияланганлар, болаликдан I ва II гуруҳ ногиронлари ва кам таъминланган оилалардан чиққанлар учун) ариза ва бошқа ҳужжатларни ўрганиб чиқади. Агар кредитни қайтариш таъминланиши сифатида кафолат ёки кафиллик шартномаси тақдим қилинган бўлса, банк гарант ва кафилнинг молиявий аҳволини баҳолайди. Кредитни қайтаришни таъминлаш сифатида мол-мулк ёки қимматли қоғозлар қўйилган бўлса, банк уларнинг бозор нархларини аниқлайди.

Тақдим этилган ҳужжатлар банк талабларига жавоб берса, банк, қарз олувчи ва олий таълим муассасаси ўртасида кредит шартномаси тузилади. Кам таъминланган оилалардан чиққан талабаларнинг ўқиши учун таълим кредитлари бериш учун ҳар бир томоннинг мазкур Низомдан келиб чиқувчи ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқ белгиланган ҳолда банк, қарз олувчи, олий таълим муассасаси ва Иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармаси ўртасида кўп томонлама кредит шартномаси тузилади.

Тижорат банклари қарз олувчи томонидан таълим кредити беришни сўраб банкка тақдим қилинган ариза ва унга илова қилинган тўла ҳужжатлар тўпламини 10 иш куни мобайнида кўриб чиқиши ва кредит шартномасини имзолаши ёки кредит берилмаслиги тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда аризачига кредит беришнинг рад этилиши сабаби кўрсатилган ёзма хулоса бериши лозим.

КРЕДИТНИ БЕРИШ, КРЕДИТНИ ҚАЙТАРИШ ВА ФОИЗ ТЎЛОВЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ТАРТИБИ

Таълим кредити қарз олувчининг ссуда ҳисоб рақамидан унинг шахсий ёзма топшириғи асосида олий таълим муассасасининг талаб қилиб олинадиган депозит ҳисоб рақамига маблағ ўтказиш йўли билан берилади.

Таълим кредитлари бўйича маблағлар кредит шартномасида қайд этилган шартларда ҳар ярим йилда ўқиш учун йиллик тўловнинг тўлиқ миқдорини икки тенг қисмга бўлиш йўли билан ўтказилади. Бунда янгидан қабул қилинган талабалар учун биринчи ярим йилликда ўқиганлик учун бошланғич тўлов жорий йилнинг 1 октябригача, иккинчи ярим йиллик учун навбатдаги календар йилнинг 15 мартигача тўланади. Ўқишнинг иккинчи йилидан бошлаб кредит ҳисобига тўловлар ҳар ярим йиллик биринчи ойи (сентябр ва март)нинг 5-кунидан кечиктирилмай тўланади.

Фоизлар қарз олувчи томонидан кредит шартномасида қайд этилган шартларда тўланади. Кам таъминланган оилалардан чиққан талабаларнинг ўқишига таълим кредитлари учун фоизлар қарз олувчи ва Жамғарма томонидан ҳар ойда, ҳисобланган фоизлар миқдорининг 1/2 қисми бўйича тенг улушларда тўланади.

Жамғарма ҳисобланган фоизлар миқдорини тўлов топшириқномаси билан банк билдиришномаси олингандан кейин уч иш куни мобайнида ўтказади.

Таълим кредити берилгандан сўнг банк кредит таъминланиши бўйича шартномада кўрсатилган тартибда мониторинг олиб боради. Агар талаба ўқиш даври тугамасдан талабалар сафидан чиқарилса, таълим муассасаси раҳбарияти ректор (директор)нинг буйруғи чиққан кундан бошлаб 10 иш куни мобайнида бу ҳақда банкка хабар бериши керак, қарз олувчи эса ўз навбатида уч ой муддатда таълим кредити ва унга қўйилган фоизлар бўйича қарзларни тўлиқ қайтариш лозим. Талабанинг талаба сафидан чиқарилиши олий таълим муассасаси томонидан банкка ўз вақтида маълум қилинмаган тақдирда, таълим муассасаси ушбу давр учун ҳисобланган фоизларни банкка тўлашга мажбур.

Ушбу шартлар банк, қарз олувчи ва олий таълим муассасаси ўртасида тузиладиган кредит шартномасида акс эттирилиши керак.

Таълим кредитлари кредит шартномасида белгиланган муддатда қайтарилмаган тақдирда, банк гаров тўғрисидаги шартномага мувофиқ ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кредитни таъминлаш объектини тасарруф этиш йўли билан кредит бўйича қарз миқдорини ундириб олади. Агар кредитнинг қайтарилишини таъминлаш сифатида таъминлашнинг бошқа шакллари тақдим этилган бўлса, банк белгиланган муддатда қайтарилмаган таълим кредитини улар ҳисобига ўз вақтида қайтарилиши чораларини кўриши керак.

Қарз олувчи кредитни кредит шартномасида белгиланган муддатдан олдин қайтаришга ҳақлидир.

Жавоб Ўзбекистон Таълим ва фан ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитасининг мутахассислари билан ҳамкорликда тайёрланди

«ИШОНЧ» ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНАСИ



Саволингизга ҳуқуқшунос Карим Мухторов жавоб беради

САВОЛ: оилавий шароитим сабабли ҳақ тўланмайдиган таътил олмоқчи эдим. Қанча муддатга бундай таътил олиш ҳуқуқига эгаман? Умуман, иш ҳақи сақланмаган ҳолда бериладиган таътиллар тўғрисида батафсил маълумот берсангиз.

Гулнора МАҲМУДОВА,
Бухоро шаҳри

ЖАВОБ: иш ҳақи сақланмайдиган ҳолда бериладиган таътилларни икки турга бўлиш мумкин. Уларнинг биринчиси - ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишувга биноан бериладиган таътил. Иккинчиси - ходимнинг хоҳишига кўра иш берувчи томонидан қонун асосида берилиши шарт бўлган таътил.

Биринчи таътил - Меҳнат Кодексининг 150-моддасига мувофиқ ходимнинг аризасига биноан унга иш ҳақи сақланмаган ҳолда берилиши мумкин (лекин иш берувчи учун шарт эмас). Унинг муддати ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишувга мувофиқ белгиланади. Демак, ходимга фақат икки ҳафтага эмас, балки уч ой, олти ой ёки ундан ортиқ муддатга ҳам иш ҳақи сақланмайдиган таътил берилиши мумкин. Лекин шуни ёддан чиқармаслик зарурки, Меҳнат Кодексининг 142-моддасига биноан иш ҳақи сақланмаган ҳолда берилган муддати икки ҳафтадан ортиқ бўлган таътиллар ходимга йиллик асосий таътилни олиш ҳуқуқини берувчи иш стажига кирмайди. Яъни бу муддат учун ходимга меҳнат таътили берилмайди.

Иш ҳақи сақланмаган ҳолда бериладиган таътил ходимнинг хоҳишига боғлиқ. Шунинг учун бу таътиллар мажбуран берилмайди, акс ҳолда у қонуний ҳисобланмайди.

Кўпчилик ҳолларда муассасада таъмирлаш ишлари олиб борилганда ёки бошқа узрли сабаблар билан ходимлар бекор туриб қолганда иш берувчилар ходимлардан ариза ёздириб олиб, уларга иш ҳақи сақланмайдиган таътил берадилар. Бу ноқонуний ҳисобланади. Аслида иш берувчининг айби билан бекор туриб қолган ходимларга бундай таътиллар берилганида Меҳнат Кодексининг 159-моддасига асосан ўша вақт учун ўртача иш ҳақи тўланиши керак.

Энди иш берувчилар учун иш ҳақи сақланмайдиган таътиллар берилиши шарт бўлган масалага келсак, бу Меҳнат Кодексининг 150-моддаси II қисми, 232 ва 256-моддаларида белгилаб қўйилган.

Қуйидаги ходимларга уларнинг хоҳишига кўра, иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътил берилиши шарт:

1941 - 1945 йиллардаги уруш қатнашчиларига ва имтиёзлари жиҳатидан уларга тенглаштирилган шахсларга - ҳар йили ўн тўрт календар кунга қадар;

ишлаётган I ва II гуруҳ ногиронларига ҳар йили ўн тўрт календар кунга қадар;

икки ёшдан уч ёшгача болани парвариш қилаётган шахсларга;

икки ва ундан ортиқ ўн икки ёшгача боласи бор ёки ўн олти ёшга тўлмаган ногирон боласи бор аёлларга - ҳар йили ўн тўрт календар кунга қадар;

олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг охирги курсларида ўқиётган ходимларга диплом лойиҳасига материаллар тўплаш учун ўттиз календар кун муддатга;

меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларда, шунингдек меҳнат шартномаси шартларида назарда тутилган бошқа ҳолларда.Иш берувчи томонидан ходимларга иш ҳақи сақланмаган ҳолда берилиши шарт бўлган таътилларни кейинги йилга ўтказишга йўл қўйилмайди ва ҳеч қандай компенсация тўланмайди.

Ходимларга иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътил берилганда уларнинг иш жойи сақлаб қолинади ва у ишга чиққанда иш берувчи томонидан ўз лавозимида ишлашига рухсат берилиши шарт. Фақат ходимнинг бундай таътилда бўлиши даврига вақтинчалик бошқа ходим ишга қабул қилиниши мумкин. Асосий ходим ишга тушган кунидан вақтинча ишга қабул қилинган ходим ҳеч қандай қаршиликсиз унга иш жойини бўшатиб бериши шарт.

«КАРАТЭНИНГ ҚИЙИН ЙЎЛИ»

Фахр

(Боши ўтган сонларда)

Улуғ мақсадлар ҳамиша яхшиликка йўл очади. Муаллиф ўз хотираларини ўқувчига тақдим этар экан, улуғ мақсадлари унинг ниятига йўл очганини жўшиб ҳикоя қилади. Айниқса, Малайзияда бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида анжуман ташкилотчиларининг эътиборсизлиги туфайли юзлаб байроқлар орасида Ўзбекистон байроғини кўрмай ҳайрон қолган муаллифнинг ички кечинмалари ниҳоятда таъсирчан чиққан. «Миямга қон урди, – деб ҳикоя қилади у. – Кейинги сафар? Муҳим масала эмас? Йўқ дедим ўзимга-ўзим. Бу айнан долзарб масала. Сен ҳали ўзбекнинг кимлигини билмабсан. Асрлар мобайнида қон кечиб, жон олиб-жон берган, неча-неча асл фарзандларидан жудо бўлиб, эркинликка эришган, кўкрагига эндигина офтоб тегиб ўзлигини қайтадан англай бошлаган, қадр-қимматини жуда нозик ҳис этадиган Миллатнинг байроғи Жаҳон чемпионати ўтказиладиган залнинг энг кўринарли еридан жой олиши шарт». Муаллиф Ватанимиз тарихи, миллий маданиятимиз, буюк аждодларимиз номини ёд этиш билан китобхон қалбида миллатдан фахрланиш туйғуларини уйғотади. Ниҳоятда катта маънавият ва маданиятга эга бўлган Ўзбекистонимиз байроғини нуфузли анжуман ўтадиган залнинг энг кўринарли жойига илмагунча тинчимайди. «Мақсадга эришдик. Кўнглимиз тоғдек кўтарилди. Шундагина ўзимга келдим. Бу ўша ғурур, орият аталмиш қиличнинг қинидан чиққан пайти эди». Малайзия сафари эса узоқ йиллардан буён уни ўйлантириб, қийнаб келаётган саволларга гўё жавоб топиб бергандек бўлди. Оламшумул ўзгаришлар амалга оширилаётган Ўзбекистонда каратэни ҳам жаҳон андозалари даражасига кўтариш унинг эзгу нияти эди. Муаллиф ушбу ниятини шундай изоҳлайди. «Биз шундай меҳнат қилайликки, ишни шундай гўзал тарзда йўлга қўйиб олайликки, лозим бўлса, кечани-кеча, кундузни-кундуз демай тер тўкайликки, кун келиб, ўзбек каратэчиларининг татамидаги ғалабаларигина эмас, уларнинг шу мусобақага ташриф буюришларининг ўзи ушбу турнир нуфузининг ошишига хизмат қилсин».

Китобда ана шу улуғ мақсад йўлидаги залворли ишлар, машаққатлар, изтироблар ёрқин саҳифаларда акс этган. «Айнан шундай ичи ва таши турлича товланувчи одамлар бизни янада қатъиятли, янада чидамли бўлишга ундар, кучимизга-куч қўшар эди. Чунки танлаган йўлимизнинг тўғри ва ҳақ эканлигига ишонардик». Муаллиф алоҳида эҳтиром билан таъкидлаётган ана шу ишонч унга таянч бўлди, ниятларига қанот бағишлади.

Ўзбекистон Ушу Федерацияси президенти Владимир Гасанбеков таъкидлаганидек, «Нурхон ўзбек каратэсида янги саҳифа очди. У ўзбек каратэсининг энг янги тарихига пойдевор қўйди. Унинг энг катта ютуғи ҳам шундаки, ўз олдига ҳамиша улкан мақсадлар қўя олади ва уларни рўёбга чиқариш учун тинмай меҳнат ҳам қила билади. Гоҳида Нурхондаги ички қувват, ғайрат назаримда чегарасиздек туюлади. Ҳақиқатан ҳам Ўзбекистон Каратэ Миллий Федерациясининг ташкил қилиниши энг аввало Президентимиз ташаббуси, қолаверса, Нурхон Нафасовдек фидойиларнинг жонбозлиги билан боғлиқ.

Шунингдек, китобда Ўзбекистон Каратэ Миллий Федерациясининг катта йўриқчиси, каратэ бўйича 5-ДАН қора белбоғ соҳиби Темур Муҳамедовнинг ўзбек каратэси ривожи йўлидаги Нурхон Нафасовнинг жонбозлиги, Миллий Федерацияни ташкил қилиб, унинг ягона байроғи остида каратэчиларни бирлаштириши, қўйингки, миллий Федерациянинг ёрқин йўли ҳақида ҳикоя қилинади.

Ватан, миллат, соғлом авлод йўлидаги бу саъй-ҳаракатларга вақт ўз муҳрини босди. Ўзбекистон Каратэ Федерацияси вице-президенти, 5-ДАН қора белбоғ соҳиби Михаил Головановнинг ҳикоясида ҳам бу ҳақиқат ўз исботини топади.

«Нурхон Нафасов билан каратэ бўйича Аргентинада ўтказилган мусобақада танишганман, - деб хотирлайди Михаил. - Адашмасам 1992 йил эди. Уни ҳали ҳеч ким танимасдию, Тошкентдаги «Шарқ» каратэ клубини бошқарарди. Мусобақада у бошқа шогирдлари қатори карлар жамиятига аъзо икки шогирдини ҳам олиб келган, Нурхон ҳам ёрдамчилари ҳам улар билан имо-ишора орқали мулоқот қилишарди. Бечора бу спортчилар на ҳакамнинг буйруқларини эшитишар, на томошабин олқишидан баҳраманд бўла олишарди. Шунга қарамай, мусобақада улар ғолиб чиқишди. Мен ўша вақтдаёқ енгил йўлни танламай, жонини жабборга бериб (унинг бошқача ишлолмаслигини кейинчалик англадим) ногиронлар билан ҳам шуғулланаётгани учун унга таҳсинлар ўқигандим ичимда...

Амина ҚОДИРОВА

(Давоми бор)

Урганч пахта тозалаш очиқ ҳиссадорлик жамиятида айни пайтда 365 нафар ишчи самарали меҳнат қилмоқда. Бу ерда асосан, тола, чигит ва момиқ ишлаб чиқарилади. Шу вақтгача 2,5 минг тонна пахта толаси ишлаб чиқарилиб, шундан 2 минг тоннаси экспорт қилинди. Бундан ташқари, жамият ишчилари учун барча қулайликлар муҳайё қилинган. Ошхона, дам олиш, ювиниш хоналари, дўкон ва спорт майдончаси улар ихтиёрида. Таъкидлаш керакки, корхонада ишлаб чиқарилаётган сифатли пахта толаси чет эллик харидорларга манзур бўлмоқда.

Суратда: ишчилар ака-ука Қадам ва Даврон Абдуллаев.

Р.ЖУМАНИЁЗОВ
(ЎзА) олган сурат

ОЙЛИК ДАВОМ ЭТМОҚДА

Мамлакатимизда 14 январ - Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган анъанавий оммавий ватанпарварлик тадбирлари ойлиги давом этмоқда. Чирчиқ шаҳри ва Зангиота туманларидаги ўқув муассасаларида бўлиб ўтган тадбирларда ҳам тасдиқланган режа асосида ойлик давомида қилиниши зарур бўлган ишларга эътибор қаратилди.

Ҳарбийлар, талабалар ва жамоатчилик вакиллари иштирок этган тадбирда сўзга чиққанлар миллий армиямизда амалга оширилаётган ислоҳотлар ўз самарасини бераётгани, оммавий ватанпарварлик тадбирлари ойлиги ҳам мазкур ислоҳотларни кенг тарғиб этишга хизмат қилишини таъкидладилар.

- Бундай тадбирлардан асосий мақсад ёшларни Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, уларни замонавий ҳарбий қурол-аслаҳалар билан таништириш, спортнинг техник ва амалий турларига жалб этишдан иборат, - дейди Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти вилоят кенгаши раиси ўринбосари Р.Солиҳов. - Шунингдек, аскарларнинг кўргазмали чиқишлари ва спорт мусобақалари ҳам ташкил этилди.

Ойлик доирасидаги тадбирлар вилоятнинг бошқа шаҳар ва туманларида, ҳарбий қисм ва ўқув муассасаларида давом этмоқда.

НАМАНГАН ПАХТАСИ ЭКСПОРТГА

Наманган вилояти пахтакорлари бу йил 260 минг тоннага яқин «оқ олтин» етиштирди. Пахта тозалаш заводлари пахтани қайта ишлашни бошлади.

Маҳсулотнинг асосий қисми Россия, Швейцария, Германия каби ўнлаб мамлакатларга экспорт қилинмоқда. Ҳозиргача хорижлик ҳамкорларга 20 минг тонна пахта толаси жўнатилди. «С-65-24», «Оққўрғон-2» навлари юқори баҳоланди.

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ БИРЖА САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ
ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!

Давлат мулки қўмитаси томонидан Республика Кўчмас мулк биржаси тизимининг **душанба, чоршанба, жума** кунлари бўлиб ўтадиган марказлаштирилган электрон биржа савдоларига қуйидаги мулклар қўйилади:

Тошкент шаҳрида жойлашган «Ўздонмаҳсулот» компанияси таркибидаги «Shirmoy-Paz» МЧЖнинг 25 фоиз давлат улуши.

Бошланғич баҳоси - 13447,3 минг сўм.

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 26 августдаги 368-сонли қарорига мувофиқ бошланғич баҳоси босқичма-босқич пасайиш механизми бўйича қуйидаги мулклар қўйилади:

1. Андижон вилоятида жойлашган, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги таркибидаги «Жалақудуқ кўчма механизациялашган колоннаси» МЧЖнинг 30 фоиз давлат улуши.

Бошланғич баҳоси - 20571 минг сўм.

2. Тошкент шаҳрида жойлашган «Ўзбектрансқурилиш» давлат уюшмаси таркибидаги «Темир йўл қурилишини механизациялаш» МЧЖнинг 25 фоиз давлат улуши.

Бошланғич баҳоси - 25690,70 минг сўм.

Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!

Имкониятингизни бой берманг!

Биржа савдоларида Республика Кўчмас мулк биржасининг рўйхатидан ўтган малакали брокерлари объектларни харид қилишингизда Сизнинг хизматингизда бўладилар.

Қўшимча маълумотлар учун Республика Кўчмас мулк биржасига мурожаат қилишингиз мумкин.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, С. Раҳимов тумани, Қора-қамиш, 2/4 даҳаси,
М. Ўразбоев кўчаси, 1«А»-уй.
Телефонлар: (371) 136-26-26, 136-15-28, 133-25-21.
Факс: 136-06-17. www. rkmb. uz, Лицензия рақами. 000004

Эслатма

РКМБ электрон биржа савдолари жараёнида савдога қўйилган объектга икки ва ундан ортиқ харидор томонидан қизиқиш билдирилган ҳолда, савдо аукцион кўринишида давом этиб нархлар эркин шаклланади.

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ КЕНГАШИ

Сиҳат ва саломатлик йили бўлмиш 2005 йил барчангизга бахт-саодат, олам-олам қувонч олиб келсин!





БАЙРАМГА АЖОЙИБ СОВҒА



Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши фаоллар, ходим ва мутахассисларни ўқитиш ва қайта ўқитиш, уларда давр тақозо этаётган энг яхши сифатларни мужассам этиш йўлида аниқ тадбирларни амалга ошириб келмоқда. Янги йил арафасида касаба уюшма аъзолари, Марказий қўмита ҳамда турли тармоқларнинг ходимлари ажойиб совғани қабул қилиб олдилар. Замонавий талаблар асосида қурилган ажойиб Ўқув маркази фойдаланишга топширилди. Икки қаватдан иборат муҳташам бинода 100 ўринли ўқув зали, компьютер хонаси ҳамда машғулотлар ўтказиладиган хоналар ўрин олган. Малака оширишга келган кишиларнинг маданий ҳордиқ чиқаришлари, турли адабиётлар, соҳага оид илғор тажрибаларни чуқур ўрганишлари учун барча шароит муҳайё этилган.

«ЎзДЭУавто»
ҚЎШМА КОРХОНАСИ

2005 йил тинчлик-хотиржамлик, улкан муваффақиятлар йили бўлсин!



ЎЗБЕКИСТОН МЕТАЛЛУРГИЯ ВА МАШИНАСОЗЛИК САНОАТИ ТАРМОҚЛАРИ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМА МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ

Тармоқ ходимлари
ҳамда ҳур
Ўзбекистонимизнинг
барча фуқароларини
яқинлашиб келаётган
Янги йил байрами билан
муборакбод этади



«SPARTAK STIL»

қўшма корхонаси

Янги йил байрами тобора яқинлашиб келмоқда. Шу муносабат билан «SPARTAK STIL» қўшма корхонаси болажонларга ажойиб совға тайёрлади.

Мазкур Ўзбек - Исроил қўшма корхонаси 2004 йилнинг май ойида ташкил этилган. Айни пайтда бу ерда 642 нафар киши меҳнат қилмоқда. Улар ишлаб чиқараётган 100 хилга яқин турли хил шоколадлар ҳамда ширинликлар ўзининг хуштаъмлиги ҳамда ташқи кўриниши билан харидорларга ғоятда манзур бўлмоқда.

Қўшма корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар чет элга ҳам экспорт қилинмоқда

ЎЗБЕКИСТОН КИЧИК БИЗНЕС, МАТЛУБОТ КООПЕРАЦИЯСИ, САВДО ХОДИМЛАРИ ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛАР КАСАБА УЮШМА МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Хонадонингиздан қут-барака, севинч ва тотувлик аримасин!

САХОВАТДАН ДИЛЛАР НУРАФШОН

Меҳр-мурувват, саховат. Инсон кўрки, зийнатига айланган бу олижаноб фазилатлар азал-азалдан халқимизга хосдир. Ота-боболаримиз ёрдамга муҳтожларга кўмак қўлини чўзиб, кексаларга чуқур ҳурмат-эҳтиром кўрсатиб келишган.

Тугалланиб бораётган Меҳр ва мурувват йилида мамлакатимизда мислсиз доирада хайрли ишлар амалга оширилди. Хусусан, Ғузор туман ногиронлар жамияти томонидан бу борада бирмунча тадбирлар бажарилди. Тумандаги йирик корхона ва муассасалар, жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда ёрдамга муҳтож кишилар ҳолидан хабар олинди. Моддий-маънавий ёрдам кўрсатилди.

– Яқинда «Шўртангазкимё» мажмуаси маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси томонидан ўнта ногиронлик аравачаси муҳтожларга топширилди, - дейди жамият раиси Абдурашид Муҳиддинов. – Шунингдек, яна бир неча саховатталаб ҳомийлар ўз мурувватини кўрсатишди. Жами бўлиб ногиронларга 3 миллион сўмлик мурувват кўмаги берилди.

Шавкат СУЛТОН олган суратлар

Хабарлар оқимидан

ЁШ ОЛИМЛАР ТАДҚИҚОТИ

Ўзбекистон бадиий академиясининг республика санъатшунослик илмий-тадкиқот институти олимлари томонидан олиб борилаётган йирик изланишлар асосида қатор монографиялар юзага келмоқда. «Тасвирий санъат, театр, кино ва телевидение санъати», «Фольклор ва замонавий мусиқа» каби йўналишларда амалга оширилаётган тадкиқотлар ҳам ўз ижобий натижасини бермоқда.

Бундай илмий жараёнларда ёш олимларнинг фаол иштироки ҳам диққатга сазовордир. Уларнинг бу илмий ютуқлари Тошкентда уюштирилган республика иқтидорли ёшларининг илмий анжуманида яна бир бор таъкидлаб ўтилди.

Институтнинг иқтидорли ёш олимларидан бир неча нафари «Ўзбекистон санъати: глобаллаштириш ва миллий ўзига хослик» деб номланган мазкур конференцияда қизиқарли маърузалар билан чиқдилар.

ГРАН-ПРИ СОВРИНДОРИ

Республикамиз пойтахтида ўтказилган тадбиркорларнинг кўрик-танловида қатор фирма ва компаниялар ишбилармонлари ҳам фаоллик кўрсатдилар. «Йилнинг энг ёш ва истиқболли тадбиркорлари» деган фахрли номни қўлга киритиш учун бўлган ўзаро мусобақада «ПГС», «Дероз», «Фармед» каби хусусий фирмалар тақдим этган маҳсулотлар ҳам яхши баҳо олди.

«Жазим» корхонаси томонидан ишлаб чиқарилган матбаа маҳсулотлари эса барчага манзур бўлди. Бу корхонанинг ишбилармон вакили Музаффар Абдуллажонов эса кўрик-танловда гран-при совриндори бўлди. Шунингдек, «Офис-Принт» хусусий корхонаси томонидан ишлаб чиқарилган матбаа маҳсулотлари ҳам совринли ўрин билан тақдирланди.

МУНОСИБ ТАҚДИРЛАНИШДИ

Компьютерда дастурлаш бўйича талабалар жамоалари ўртасида жаҳон чемпионати турли минтақаларга бўлинган ҳолда ўтказиб келинмоқда. Марказий Осиё минтақаси бўйича уюштирилган чорак финал мусобақалари ҳам кутилган яхши натижани берди.

Ўзаро белашувда фаоллик кўрсатган Тошкент ахборот технологиялари университети талабалар жамоаси эса биринчи ўринни қўлга киритди. Қозоғистон-Британия университети иккинчи, Қозоғистон миллий университети вакиллари учинчи совринли ўринлар билан тақдирландилар.

Ғолиблар компьютер қурилмалари ва пул мукофотлари билан тақдирланишди.

А.АЛИЕВ

Биз билган, билмаган дунё

«МУНШАОТ» - НАВОИЙ ҲАЁТНОМАСИ

Шарқнинг буюк кишилари шахсий ёзишмаларини тўплаб ё араб, ёки форс тилларида китоб қилишни одат тусига киритишган. Ўзбек тилида яратилган бундай асарларни биринчи бўлиб Алишер Навоий бошлаб берди. У умри давомида давлат ва жамоат арбоблари, дин пешволари, шоир ва ёзувчилар билан қилган ёзишмаларини тўплаб «Муншаот» деб номланган китоб ёзди. Бу асарда унинг жами 88 та хати келтирилган. Шубҳасиз, бу номаларнинг ҳар бирига махсус муносабат билдириб таҳлил қилинадиган бўлса, каттакон бир монографик тадқиқот юзага келади. Навоий асарлари ичида энг кам ўрганилгани ҳам мана шу «Муншаот»дир.

Бу асар ғоят қийин услубда ёзилган бўлиб, муаллиф жуда кўп араб, форс тилидаги мутавозеъ ва мутарраф сажъ санъатидан, сўфиёна, диний калима ва иборалардан фойдаланган. Бу хатларнинг мазмунини мумтоз адабиётдан анча-мунча тажрибаси бор бўлган зиёлилар ҳам тўлиқ фойдаланишлари мушкул. Иккинчидан, Навоий тилга олган кўпгина масалаларни чуқур тушуниш учун тадқиқотчи тарих илмидан яхшигина хабардор бўлиши зарур. Ана шу қийинчиликлар олимларимизни бу асар юзасидан илмий ишлар олиб боришини маълум маънода чеклаб туради. Шуларни ҳисобга олиб, биз Навоий томонидан ёзилган учта хатга тўхталиб, бу номаларнинг бадиий хусусиятларини кўрсатишга уриниб кўрамиз.

Навоийнинг бу номаларини ўқиган киши, унинг ниҳоятда оғир шароитларда ўта қалтис ва уқубатли курашлар гирдобида бўлганлигининг гувоҳига айланади. У ўз ҳаётидаги бу тўқнашувларда гоҳо муваффақиятларга эришган бўлса, баъзан мағлубият аламини ҳам тортган. У гоҳида бир одам кўтара олиши мушкул бўлган азобу уқубатларга ҳам гирифтор бўлади. Навоий Султон Ҳусайн саройида узоқ вақт ишлаб, тобора нураб бораётган темурийлар империясини ҳалокатдан сақлаб қолишга бутун вужуди билан ҳаракат қилган. У кейинчалик расман сарой юмушларидан озод бўлган бўлса ҳам, то умрининг охиригача темурийлар ўртасидаги тўқнашувларнинг олдини олишга, сиёсий вазиятларни мумкин қадар юмшатишга уриниб келган.

Жумладан, 1495 йилга келиб Султон Ҳусайн ва унинг тўнғич ўғли Бадиуззамонлар ўртасида қуролли тўқнашувлар юз бериши мумкин бўлган ҳолатда, Навоий ота-бола ўртасига тушиб кўп азиятлар чекади. Аслида бу можаролар подшоҳнинг хотини Ҳадичабегимнинг тазйиқи туфайли юзага келган эди. Бир маҳаллар Абусаиднинг ғунчачиси (қўшмачи) бўлган Ҳадичабегим унинг ўлимидан кейин Султон Ҳусайннинг бошини айлантириб унинг ҳарамига кириб олган эди. У Астробод ҳокими бўлиб турган Бадиуззамоннинг ўғли Мўмин Мирзони тахтдан тушириб, унинг ўрнига ўз ўғли Музаффар Мирзони ўтказмоқчи бўлади. Бу аёл Низомулмулк билан иш кўриб подшоҳнинг мастлигидан фойдаланиб, Ихтиёриддин қалъасида қамоқда турган Мўмин Мирзони ўлдириш ҳақида фармонга қўл қўйдириб олади. Султон ҳушига келгач, фармонни бекор қилиб, янги фармон юборади. Бироқ Мўмин Мирзо ярим тундаёқ ўлдирилиб бўлган эди.

Тарихчи Зайниддин Восифий ўша пайтда 13 яшар бола бўлиб, Ҳиротда эди. Мўмин Мирзо ўлимидан 25 йил кейин бу воқеани ўзининг «Бадоеъул-вақоеъ» асарида қуйидагича тасвирлайди: «Султон Ҳусайннинг набираси ва Бадиуззамоннинг ўғли Муҳаммад Мўмин Мирзо Астрободда ҳоким эди. Султон Ҳусайн Ҳадичабегимнинг сўзига кириб, Астрободни идора қилишни унинг ўғли Музаффар Ҳусайнга берди. Музаффар Астрободга қўшин тортиб борганида, Мўмин Мирзо унга қарши урушга чиқди. Музаффар Ҳусайн уни асир олди. Султон Ҳусайн бу пайтда Мурғоб бўйида турган эди. Музаффар Муҳаммад Мўминни Ҳирот қамоқхонасига жўнатди. Бу хабар Ҳиротга етганда, унинг эркагу аёллари, ёшу қарилар Мўмин Мирзонинг истиқболига, Ҳиротдан тўрт фарсах наридаги «Пули Солор»га чиқдилар. Уни «Ихтиёриддин» қалъасига қамашга қарор берилган эди. Бу қалъанинг кутволи (коменданти) Бий Муҳиб Жангий эди. Султон Ҳусайнни Ҳирот халқининг бу ҳужумидан хабардор қилдилар. Султон Ҳусайн Низомулмулкдан «Оламон ғалаён қилаётир, нима қилиш керак», - деб маслаҳат сўрайди. Хожа Низомулмулк «бебошнинг аскари тарқатилса яхши бўлар эди. Салтанатни ларзага солганнинг боши олинса яхши бўлар эди», - деган мазмундаги жавобни қилади. Султон Ҳусайн маст ҳолида Бий Жангийга фармон ёзишни буюрди. Бу фармон олиниши биланоқ Муҳаммад Мўмин ҳеч тўхтовсиз йўқлик дунёсига жўнатилиши, бўғиб ўлдирилиши лозим эди. Фармон Мурғобдан ярим кечада келди. Кутвол фармонни ижро этди. Эрталаб шаҳарда «миш-миш» тарқалди. Қиёмат қўнгандек бўлди. Бутун шаҳар, эркак ва аёл қора кийган эди. «Боғи Зоғон» ёнидаги «Боғи Нав»да мотам мажлиси йиғилди.

Мўмин Мирзо билан бўлган шу даҳшатли воқеадан сўнг Султон Ҳусайн кўнглида Низомулмулкка қарши кек сақланган эди ва бир кун уни ҳамма яқин кишилари билан қўлга олиб, Ҳиротга «Ихтиёриддин» қалъасига қаматди. Бир ойдан сўнг амир Ферузшоҳнинг ўғли Амир Абдулхоliққа қалъадаги Низомулмулкнинг икки ўғли калласини олиш, терисини шилиб, ичига сомон тиқиш, хожа Низомулмулкнинг ўзини эса қалъа олдидаги кўприкка олиб чиқиб терисини шилиб олиш, Низомиддин Курд билан хожа Абдулазизнинг терисини қалъа деворлари остида шилиш, хожа Имодилисломнинг терисини Малик бозорида шилиш, хожа Маҳмудшоҳ Фараҳинийнинг терисини Чорсуда шилиб ташлаш ҳақида буйруқ келди. Бу буйруқ келган куни 1497 йил мен отам билан бирга «Ихтиёриддин» қалъаси ичида эдим».

Маҳмуд НАЗАРОВ,
филология фанлари номзоди

(Давоми бор)

Болалар спорти

«ПАҲЛАВОН» БОКС КЛУБИ

Жаҳон кубоги соҳиби, халқаро тоифадаги спорт устаси Лазизбек Зокиров шу йилнинг бошларида Жиззах вилоят бокс федерациясига қарашли «Паҳлавон» бокс клубини ташкил этди. Унга Жиззах шаҳрида яшовчи 400 нафар бола жалб қилинди. Ёш боксчилар беш гуруҳга бўлиниб, машғулотларни Жиззах шаҳридаги Ш.Рашидов, Ф.Юсупов, А.Навоий номли мактаблар ҳамда Жиззах туманидаги иқтисодиёт коллежининг спорт залларида, шунингдек, вилоят болалар ва ўсмирлар бокс мактабида олиб боришяпти.

Клубнинг ташкил топганига ҳали бир йил ҳам бўлгани йўқ. Бироқ клуб аъзолари қисқа фурсатда қувонарли ютуқларга эришмоқдалар. Қорақалпоғистон Республикасининг Қўнғирот шаҳрида 1990-1991 ва 1992-1993 йилларда туғилган болалар ва ўсмирлар ўртасида ўтказилган Халқаро турнирда жиззахлик боксчилар умумжамоа ҳисобида I ўринни эгалашди. «Паҳлавон» клуби аъзолари – 40 килограмлик вазн тоифасида Асил Шарипов, 36 килограмлик вазн тоифасида Толиб Ниёзов, 32 килограмлик вазн тоифасида Азаддин Пошшаевлар мутлоқ чемпион бўлдилар. Жамолиддин Ўктамов, Ўрол Пўлатовлар биринчи ўрин соҳиби бўлишди. Шунингдек, ёш боксчилардан 4 нафари иккинчи ўринга, 3 нафари эса учинчи ўринга муносиб топилди.

Б.НОРКУЛОВ

Долзарб мавзу

БИЛИМДОН АЁЛЛАР

маҳалла суянчи

Аёл – буюк зот. Умр бўстонининг бетакрор, ажиб гулидир у. Ҳаётимиз файзи бўлган аёллар оила ва жамиятнинг мустаҳкам устуни ҳисобланишади. Зеро, давлат ва жамият тараққиёти, шунинг баробарида соғлом турмуш тарзи, баркамол авлод тарбияси аёлларга бўлган муносабат ва эътибор билан ўлчанади. Замонамизнинг таниқли сиёсий арбобларидан бири «Аёлларни севинг ва ардоқланг. Улардан ... илҳомингизга куч, маънавий ва ақлий қобилиятларингизни икки баробар оширувчи қудрат ахтаринг», деган экан. Ҳа, аёлнинг бир қарашда нозик ниҳолдек туюлган вужуди, онги-шуурида ана шундай бетимсол куч-қудрат, салоҳият яширинган. Шу боис ҳам аёлни улуғламоқ – оилани, жамиятни, она Ватанни ва ҳаётни улуғламоқ демакдир.

Мамлакатимизда мустақилликнинг илк йиллариданоқ хотин-қизларни эъзозлаш, уларга эҳтиром кўрсатишга катта эътибор қаратилиб, аёлларнинг ижтимоий ҳаётдаги ўрнини мустаҳкамлашга йўналтирилган кенг қамровли ишлар амалга оширилди. Хусусан, 1999 йилнинг «Аёллар йили» деб эълон қилиниши ҳамда тегишли дастур асосида қилинган кенг кўламдаги улуғвор ишлар республикамизда хотин-қизларга кўрсатилаётган улкан ғамхўрликнинг ажойиб кўриниши ўлароқ намоён бўлди. Жорий йилда мамлакатимиз Президентининг «Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитасини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони аёлларнинг жамиятдаги, оиладаги ўрнини яна бир поғона юксалтирди.

Республиканинг барча жойларида бўлгани каби туманимизда ҳам мазкур Фармон талабларини ҳаётга тўла-тукис тадбиқ этиш мақсадида бирмунча тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, хотин-қизлар қўмиталарининг маҳалла ва бошқа жамоат ташкилотлари билан доимий алоқасини йўлга қўйиш, оилаларда юксак маънавий-ахлоқий муҳитни барпо этиш, оналик ва боланикни ижтимоий муҳофазалаш сингари долзарб вазифаларни бажаришга йўналтирилган ишлар ғоят муҳим ва эътиборга моликдир.

Туманимизда 57 маҳалла бор. Ҳозирда уларнинг барчасида маҳалла оқсоқолларининг диний-маърифий ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари тайинланган. Шунингдек, маҳаллаларнинг аксарият кўпчилигига махсус жиҳозланган хоналар ажратиб берилди. Буни охирига етказиш учун айни пайтда қизғин иш олиб боріляпти. Эътиборли жиҳати, маҳалла қўмита раисларининг маслаҳатчилари сифатида олий маълумотли, кўпни кўрган, катта ҳаёт тажрибасига эга бўлган аёллар фаолият бошлади. Ўзларини хотин-қизларнинг ишончли вакиллари деб биладиган фидойи маслаҳатчиларимизнинг оилада, маҳаллада, жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш борасидаги саъй-ҳаракатлари илк меваларини бераётганлиги, айниқса, қувонарлидир.

Ҳафтанинг ҳар чоршанба куни маҳалла оқсоқолларининг маслаҳатчилари ҳамда мактаб директорларининг маънавият-маърифат ишлари бўйича ўринбосарлари иштирокида семинар машғулотлари ўтказилмоқда. Ёш авлодни тарбиялашда мактаб-маҳалла-оила ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш мақсадида ўтказиб келинаётган ушбу тадбирларда тажрибали ҳуқуқшунослар, кекса мураббий-ўқитувчилар ҳамда таниқли имом-хатибларнинг маърузалари тингланяпти. Жумладан, «Аёлларнинг давлат ва жамият қурилишидаги ўрни», «Оила - жамиятнинг дуру гавҳари», «Алломаларимиз маънавий меросининг тарбиявий аҳамияти» каби мавзулардаги маъруза ва жонли мулоқотлар, суҳбатлар маҳалла маслаҳатчилари учун катта услубий ва амалий ёрдам бўлаётганлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Шу ўринда бир мулоҳаза. Маълумки, бизда диний ҳам дунёвий илмларни эгаллаган ўқимишли, маърифатли аёлларни алоҳида эъзозлаб келишган. Маҳаллаларда намунали мактаблар фаолият юритиб, уларда кўплаб қизларимиз таълим-тарбия олганлар. Робия Балхий, Ойша Самарқандий, Мутриба, Ниҳоний, Иффатий, Гавҳарбегим, Дилшод Хотун, Зебунисо, Гулбаданбегим, Нуржаҳон, Нозимахоним, Анбар Отин, Увайсий, Нодира каби ўнлаб шоираларимиз айни шу билимдонлар қўлида таҳсил олишган. Демоқчимизки, қайси ном билан аталмасин, ўқимишли, ҳаёт тажрибаси бой, уддабуррон аёлларимизнинг маҳаллада, қолаверса жамиятда тутган ўрни бекиёсдир. Шунинг учун ҳам маҳаллаларимизда маданий-маърифий, маънавий-ахлоқий ишларни олиб боришда бу масалага ҳам алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Эркин ҒУЛОМОВ,
Тошкент тумани «Маънавият ва маърифат» маркази раҳбари

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури – амалда

БАРКАМОЛ АВЛОД

Ватанимизнинг порлоқ эртаси

Жисмонан соғлом, маънавий етук, билимдон ёшлар - келажагимиз. Зеро, ҳар томонлама баркамол авлод Ватанимизнинг нурафшон, порлоқ эртанги кунини белгилайди. Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли таълим ислоҳотлари ана шу эзгу мақсадни рўёбга чиқаришга йўналтирилган. Соҳадаги ислоҳотлар самараси ўлароқ республикамизда сўнгги беш йил мобайнида халқ хўжалигининг турли жабҳалари учун малакали кадрлар тайёрлаб берувчи юзлаб замонавий касб-ҳунар коллежлари барпо қилинди.

Пойтахтимизнинг Собир Раҳимов туманида жойлашган Банк коллежи республикамиздаги энг намунали билим юртларидан бири ҳисобланади. У 1996 йили ташкил этилган бўлиб, банк-молия муассасалари учун малакали мутахассис-кадрлар тайёрлашга ихтисослаштирилган.

– Айни вақтда коллежимизда 2210 нафардан ортиқ талаба таҳсил олмоқда. Уларга асосан 4 йўналиш - банк иши, бухгалтерия ҳисоби, молия ҳамда ҳуқуқий хўжалик фаолияти ихтисосликлари бўйича билим беріляпти, – дейди таълим маскани раҳбари, иқтисод фанлари доктори Зайниддин Худойбердиев. – Ўқувчиларимизнинг етарли даражада билим олишлари учун барча шароитлар муҳайё.

Дарҳақиқат, бу ерда ўқитувчи ва ўқувчилар учун яратилган қулайликларга ҳавас қилса арзийди. Коллежнинг педагог жамоаси ўтган ўқув йилини янги, замонавий ва кўркам бинода бошлади. Ҳозирги кунда 8 та компьютер хонаси, 3 та физика ва кимё лабораториялари, 3 та лингафон кабинети ҳамда 80 ўринга мўлжалланган ўқув зали ўқувчилар ихтиёрида. Илми толиблар ўқув юрти кутубхонасидан истаган китобларини топишлари мумкин. Йилдан-йилга бойиб бораётган кутубхонада ҳозирда 30 мингдан ортиқ илмий ва бадиий асарлар, ўқув қўлланмалари, дарсликлар ҳамда ўнлаб номдаги кундалик матбуот нашрлари жамланган. Етарли даражада жиҳозланган очиқ ва ёпиқ спорт майдончалари ёшларнинг севимли масканига айланган. Дарвоқе, коллежда иқтидорли, изланувчан, билимга чанқоқ ёшлар билан ишлаш, ўқувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш ҳам яхши йўлга қўйилган. Шу мақсадда фан, спорт ва бадиий ҳаваскорлик бўйича 61 та тўгарак мунтазам ишлаб турибди. Бу йўналишдаги саъй-ҳаракатлар бесамар кетмаётганлиги эса ғоят қувонарлидир. Масалан, коллеж ўқувчилари Тошкент шаҳар ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўртасида ўтказиб келинаётган спорт мусобақаларида доимий равишда қатнашиб, пешқадамликни қўлдан бой бермай келишяпти. Хусусан, бу йилги «Баркамол авлод» спорт беллашувларининг финал босқичида улар муваффақиятли иштирок этдилар.

Дарс машғулотларини замонавий таълим технологиялари асосида олиб бориш муҳим самара беради. Шу боис коллежда бунга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунда 3 та бўлим ва 8 та кафедрада фаолият кўрсатаётган 116 нафар ўқитувчининг хизмати катта бўлмоқда. Шунингдек, 2 йилдан бери коллежда дарс машғулотлари олиб бораётган япониялик мутахассис ҳам ўқувчилар билим ва салоҳиятини оширишга муносиб улуш қўшаяпти.

Коллежда «Устоз-шогирд» анъанаси намунали йўлга қўйилган. Шу асосда ёш мутахассислар ўз касбий маҳоратини оширишлари учун катта авлод вакилларидан сабоқ олишмоқда. Тошкент Молия институти кўмагида айни вақтда 30 нафарга яқин ёш ўқитувчилар турли йўналишларда илмий тадқиқот ишларини олиб боришяпти. Бу келгусида коллеж педагогик жамоасининг илмий салоҳиятини юксалтиришда муҳим рол ўйнайди, албатта.

Банк-молия муассасаларига юксак назарий билим ва амалий кўникмага эга бўлган етук мутахассисларни етказиб бериш – давр талаби. Бу талабни тўла-тўкис муваффақият билан рўёбга чиқариш мақсадида коллежда «Ахборот технологиялари маркази» ташкил қилиниб, фаолият юритаётгани алоҳида эътиборга моликдир. Марказ замонавий технологиялар билан тўлиқ таъминланган. Сўнгги нусхадаги компьютерлар билан жиҳозланган ўқув хоналари мавжуд. Шу билан бирга марказда 2 та «Имитация банки» ташкил қилинган бўлиб, бу ерда талабалар иш ўринлари орқали банк операцияларини бевосита амалда бажариш имкониятига эга бўлишяпти. Дарвоқе, таълим муассасасида «Ўзуйжойжамғармабанк» билан ҳамкорликда ўқув банки ҳам очилган. Бунинг натижасида ўқувчилар коллежнинг ўзида ўқув амалиёти машғулотларини ўташмоқда. Соҳадаги техник-технологик янгиликлардан ўз вақтида бохабар бўлишяпти. Шунингдек, республикамизнинг яна бир қатор етакчи банклари, жумладан, «Пахтабанк», «Халқ банки», «Ўзсавдогарбанк», «Ўзтадбиркорбанк» кабилар билан ўрнатилган алоқалар ҳам ўқувчилар билимларини мустаҳкамлашлари, иш жараёнини пухта ўзлаштиришларида ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Ўқитувчи ҳамда талабаларни ижтимоий ҳимоялаш, моддий-маънавий рағбатлантириш коллеж маъмурияти ва касаба уюшма қўмитасининг доимий эътиборида. Айниқса, ногирон ва кам таъминланган оила фарзандлари бўлган ўқувчиларга моддий-маънавий ёрдам кўрсатиш борасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Мисол учун, октябр ва декабр ойларида юздан зиёд ўқувчига моддий ёрдам кўрсатилди. Ёрдамга муҳтож ўқувчилар бепул дарсликлар, ўқув қуроллари билан таъминланган. Хуллас, коллеж маъмурияти, касаба уюшма қўмитаси ҳамда фидойи ўқитувчилар томонидан амалга оширилаётган барча саъй-ҳаракатлар эзгу мақсад йўлида хизмат қилмоқда.

Камол ОЛЛОЁРОВ,
«Ишонч» мухбири

ХАЛҚ ИЖОДИЁТИ КЎРИК-ТАНЛОВИ

Санъатга ихлосмандлик халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган. Оғиздан-оғизга кўчиб келаётган қадимий ўлан ва лапарларимизни тинглаганда уларнинг сеҳр-жозибасидан чексиз ҳайратга тушасан киши. Бугунги кунда уларни қайта тиклаш ва кенг тарғиб-ташвиқ қилиш борасида кўпгина ишлар амалга оширилмоқда. Яқинда Олмалиқ шаҳрида Тошкент вилоят касаба уюшмалари Кенгаши ташаббуси билан меҳнаткашлар ўртасида ўтказилган фольклор-этнографик, халқ оғзаки ижодиёти кўрик-танлови бунга ёрқин мисол бўла олади.

Анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган мазкур тадбир оддий инсонлардаги ижрочилик қобилиятини юзага чиқариш билан бирга халқ қўшиқларини асраб-авайлашга ҳам беқиёс ҳисса қўшмоқда. Бу йилги танловда илгаригилардан яна бир поғонага ўсганлиги кузатилди. Ўз урф-одату маросимлари, қурама ашулалари билан алоҳида ажралиб турувчи Тошкент вилояти фольклор санъати жозибадор ижролар орқали томошабинлар қалбини забт этди. Нафосатга тўла ҳар бир чиқиш юқори кўтаринкилик билан кутиб олинди. Айниқса, Паркент туманидаги Бойқозон қўрғони Маданият уйининг аёллар гуруҳи томонидан маромига етказиб куйланган лапарлар оҳангдорлиги ва маъноли сўзлари билан миллий ҳис-туйғуларимизни гўзал кўринишда ифодалади. Бундан ташқари, Бекободдаги «Ўзметкомбинат» АИБ фольклор жамоаси ижросидаги бир-бирига уйғун ўлан ва рақслар ҳамда «Электрокимёсаноат» ОАЖ ҳаваскорларининг саҳнавий кўринишда алла айтишувларини чин маънода изланишлар маҳсули дейиш мумкин. Рус миллий дасталарининг иштирок этиши эса танлов ранг-барангligини таъминлашга хизмат қилди.

– Мазкур танлов ўз мазмун-моҳияти билан вилоятимиздаги бой халқ ижодиёти намуналарини жонлантириш ва оммалаштиришда муносиб ўрин тутмоқда. Бу савобли ва айни пайтда шарафли юмушни адо этишда вилоят касаба уюшмалари Кенгашининг фаол ҳаракати қувонарлидир. Ёшларни миллий қадриятлар руҳида тарбиялаш, улар қалбида Ватанга, халққа содиқлик туйғуларини ўстиришга айнан шундай тадбирлар орқали эришиш мумкин, - дейди вилоят маданият ишлари бошқармаси мутахассиси Худойберди Примов.

Ҳакамлар ҳайъати қарорига кўра, «Ўзметкомбинат» жамоаси биринчи ўринга сазовор бўлди. Иккинчи ўрин – «Олмалиқтоғметаллургия» корхонаси, учинчи ўрин – Ангрен туманидаги 12-мактаб болалар дастаси ва «Тўйтепаметаллқурилмалари» корхонасининг жамоасига насиб этди. «Энг яхши лапар ижрочиси» деб бойқозонликлар топилди. «Парвоз дастаси» – «Энг яхши болалар жамоаси», «Саноатқалинқоғоз»чилар – «Энг яхши саҳна кўриниши», «Электрокимёсаноат»чилар – «Энг яхши алла ижрочиси» номинациялари бўйича ғолиб бўлишди. Ғолибларга вилоят касаба уюшмалари Кенгашининг қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди.

Тўлқин ШЕРНАЕВ,
«Ишонч» мухбири

Таълим ва фан ходимлари Жиззах вилоят касаба уюшма Кенгаши Ғаллаорол тумани Вакили Абдулҳаким Шакарбоевга акаси **ЭШОНКУЛ ота**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ISHONCH
МУАССИС:
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир
Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78;
Хатлар бўлими 56-85-43;

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди -

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган.
IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Тиражи: 8471 Буюртма Г— 215 12345